Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi



# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | 2021-yil 25-iyun / № 26 (4633)

## НАВОИЙДА ЯНГИ ТОНГ ОТДИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ



**“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида ўтаётган тадбирлар доирасида Навоий вилоятида бўлдик. Ҳар кунги таассуротларимиз такрорланмас даражада бой.**

Ҳар бир учрашувда жаннат юзлилар билан учрашмоқ олий саодатнинг айни ўзи. Эрта тонгда райҳон ҳидлари таралиб турган ҳовлилар ёнидан ўтамиз. Равон ва текис йўллар бўйи кета-кетгунча янги-янги иморатлар, маҳалла гузарлари, тикувчилик корхоналари, фабрикалар, маданият ва санъат муассасалари, билим кошоналари – мактаблар, такрорланмас дизайн асосида қурилган мактабгача таълим муассасалари, соғломлаштириш майдончалари, гуллар билан безатилган шифохоналар ва оилавий поликлиникалар, салобатли спорт саройлари...

Кармана туманидаги “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғинидамиз. Кечки салқин бошланиши билан маҳалла идораси ёнидаги болалар майдончаси кичкинтойларнинг қувноқ кулгиси билан тўлди. Маҳалла кутубхонаси ҳам гавжум. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган фитнес зали аёллар хизматида.

— Маҳалламизда ўн битта кўча, 543 та хонадон бор. Кўриб турибсиз, маҳалла ободонлаштирилган. Аёллар маслаҳат кенгаши учун алоҳида бино ажратилган. Маҳалламиз идораси ёнида тикув цехи барпо этилиб, қирқ икки нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. 113 нафар хотин-қизларимиз “Аёллар дафтари”да турарди. Ҳозир 15 нафари бу дафтардан чиқиб кетди. 37 нафар боқувчисини йўқотган хотин-қизга моддий ёрдам, тўрт нафарига тиббий кўмак, йигирма беш нафарига тикув машинаси имтиёзли кредит асосида берилди, — дейди биз билан суҳбатда маҳалланинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Гулнора Жабборова. — “Дўрмон” қадим маҳаллалардан бири, бу ерда ўқитувчилар, шифокорлар, ҳунармандлар, тадбиркорлар сулолалари яшашади. Саховатпеша оилаларнинг кўплиги пандемия шароитида билинди. Йўқотишлар бўлмади, бундан кейин ҳам карантин қоидаларига қатъий амал қилмоқдамиз. Айниқса, синов давридаги ўттиз кишилик тўйлар барчага маъқул. Ортиқча сарфланаётган маблағ болаларнинг ўқишига йўналтирилмоқда.

Боғларга намозгар салқини тушганда “Дўрмон”ликлар “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”, деб номланган тадбиримизда қатнашиш учун маҳалла боғига тўпландилар. Улар адабиётни севадиган, маънавиятли инсонлар экан. Тадбир ижодий учрашувга, концерт дастурига, самимий суҳбатларга айланди. Ёдимда қолганларидан бири шу бўлдики, маҳалла фаоллари “Бу йил насиб бўлса, “Дўрмон”имизнинг ўн тўртта қизи, йигирмата ўғил боласи олий ўқув юртларига киради, — дея ишонч билан айтишмоқда. — “Аёллар дафтари”дан бир йилда йигирматача аёлни чиқаришга эришамиз. Маҳалла кексалари санаторийларда дам олади. Ҳар ойда қирқ нафардан фуқароларимиз жам бўлиб, ички туризм бўйича юртимиз бўйлаб сайёҳат ва зиёратга боради”.

Бу гапларни эшитиб, юртдошларимиз топилган даромадларини ҳар хил дабдабаларга эмас, эзгу амаллар учун йўналтираётганига ишонч ҳосил қилиб кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

►2

## ЗОМИН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

**Жорий йилнинг 5-8 июль кунлари Жиззах вилоятининг Зомин туманида ёш ижодкорларнинг “Зомин қалдирғочлари” семинари ўтказилади.**

Юртимизнинг гўзал манзилларидан бири – Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги сўлим Ўриклисой оромгоҳи ҳар йили ёз фаслида турли вилоятлардан келган истеъдодли ёшларни ўз бағрига олади. Улар учун ўз иқтидорини намоён этишга, бир-бирларининг ижоди, фикру қарашларидан хабардор бўлишга имкон яратади. Энг муҳими, бу ерда ёш ижодкорлар устоз шоир ва ёзувчилар сабоқларидан баҳраманд бўладилар.

Ушбу семинарга ёшлар қандай саралаб олинади? Унгача қандай босқичлар мавжуд?

Ўтган апрель-май ойлари давомида семинарнинг ҳудудий босқичлари ўтказилди. Ҳудудий босқичлар республикамизнинг етти вилоятида бўлиб ўтди. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳудудий босқичи Термиз шаҳрида, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудудий босқичи Бухоро шаҳрида, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари ҳудудий босқичи Наманган шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти ҳудудий босқичи Нукус шаҳрида, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудий босқичи Гулистон шаҳрида, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий босқичи Самарқанд шаҳрида, Тошкент шаҳар босқичи пойтахтда ўтказилди. Ҳудудий босқичларда ёш ижодкорларнинг ижодий ишларини ўрганиш, уларга маҳорат дарслари олиб бориш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан таниқли адиблар, шоирлар, адабиётшунослардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳудудий босқичларда иштирок этишди.



Ҳудудий босқичларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан олтмиш олти нафар ёш ижодкор саралаб олинди. Улар бадиий ижоднинг назм, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадиий публицистика йўналишларида ўз иқтидорини намоён этиб келаётган ва семинарнинг ҳудудий босқичларида устозлар эътиборига тушган ёш қаламкашлардир.

►6

## ФЕСТИВАЛЬ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТДИ

Биламизки, 1968 йилдан 1997 йилгача мамлакатимизда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро Тошкент кинофестивали ўтказилган. Орадан 26 йил ўтиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарорга мувофиқ, Тошкент халқаро кинофестивали эндиликда “Ипак йўли дурдонаси” номи билан 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 28 сентябрь — 3 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилиши белгилаб қўйилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Тинчлик, маърифат ва тараққиёт учун” шиори остида ташкил этилаётган фестивалга хориждан жами 355 нафар иштирокчи, жумладан, 55 нафар таниқли киноюлдузлар таклиф этилади. Мазкур фестиваль Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган дунёга машҳур Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали анъаналарини давом эттиради. “А” тоифадаги мақомга эга бўлиб, FIAPFда аккредитациядан ўтган бу фестиваль мамлакатлар ва қитъаларни бирлаштира олган юқори даражадаги анжуман бўлган. 1968 йили ўтказилган биринчи фестивалда Осиё ва Африканинг 49 мамлакатидан вакиллар иштирок этган. Машҳур киноижодкорлар, маданият ходимлари, жамоат ва сиёсат арбоблари фестиваль меҳмонлари бўлишган. 1992 йилда фестивалга олти юздан зиёд меҳмон ташриф буюрган. Улар орасида Раж Капур, Митхун Чакраборти, Амитабх Баччан, Никита Михалков, Чингиз Айтматов, Анжела Дэвис, Элизабет Агилар Гонсалес, Сергей Герасимов, Тамара Макарова, Нонна Мордюкова, Ирина Мирошниченко, Канн кинофестивали президенти, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари кино мутасаддилари ва бошқа кўплаб таниқли шахслар бўлган.

Халқаро Тошкент кинофестивалининг “Ипак йўли дурдонаси” номи билан қайта тикланиши ва ҳар йили мунтазам ўтказилиши, аввало, ўзбек киносига бўлган катта эътибордан далолатдир. Ушбу кинофестиваль ҳам келажакда бошқа нуфузли кинофестиваллар сингари дунёда ўз ўрнини топишига шубҳа йўқ.

Умид қиламизки, қайта тикланаётган фестиваль ўзбек киносини дунё миқёсида янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

**Нилуфар МУРОДОВА**

**Рустам САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Тошкент халқаро кинофестивалининг қайта тикланганини халқимиз, санъат аҳли учун жуда катта байрам. Бу фестивални юксак даражага олиб чиқишимизга ишончим комил. Бир пайтлар бутун дунёда янграган Тошкент фестивали довруғи энди бундан ҳам баландроқ жаранглайди, деб ишонаман. Фестивални нафақат ижодкорлар, балки халқимиз ҳам соғинган.

**Раъно ШОДИЕВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Тошкент халқаро кинофестивали ўтказилган даврларда биз ёш бўлганмиз. Фестивалга ташриф буюрган машҳур ҳинд актёрларини кўриб, ҳавас қилганмиз. Актриса сифатида жаҳон кинофестивалларида иштирок этишни истардим, албатта. Фестивалнинг қайта тикланганини, ҳар йили ўтказилишини эшитиб хурсанд бўлдим. Нафақат мен, балки барча ўзбек санъаткорлари ҳам фестивални интиқлик билан кутишмоқда.

**Жаҳонгир АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:**

— Биласизми, бизнинг авлод бу фестиваль ҳақидаги гапларни афсоналарни тинглагандек эшитган. Кинофестивалга дунё юлдузлари ташриф буюрган. Маълум вақт дунё киносининг диққати бизнинг Тошкент шаҳримизга қаратилганини фақат эшитиб улғайдик. Мана, энди Президентимизнинг Қарори қабул қилинди. Бу хабар бизни хурсанд қилиш билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Ўйлайманки, ушбу халқаро кинофестивалда ўзбек киноижодкорлари муносиб картиналари билан иштирок этади.

## ЯНА ТАРҒИБОТЧИЛАР ХУСУСИДА

МУНОСАБАТ

**“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг шу йил 18 июнь сонида “Қайнатма шўрва” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақолада Тошкент вилояти Бекобод тумани ва шаҳридаги айрим мактабларда ижодий-маданий масала бўйича тарғиботчиларга ўгай кўз билан қараш ҳоллари хусусида мулоҳаза билдирилган.**

Аччиқ бўлса ҳам айтиш керак, узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилавериганидан мактабни умумхалқ таълим муассасаси эмас, балки ўз ҳовлиси, турар жойидек тасаввур қилаётган директорлар ҳам, афсуски, бор. Акс ҳолда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими тасдиқлаган рўйхатдаги номлар қолиб, директорларнинг “рўйхати”дагилар тарғиботчи бўлиб ишлай олармиди? Бу тарғиботчилар орасида математика, иқтисодиёт, география каби фанлардан дарс бераётган ўқитувчиларнинг борлиги ажабланарли. Табиийки, Уюшманинг уч нафар ходими бор вилоят бўлими тўққиз юзга яқин мактабдаги вазиятни, тарғиботчилар билан боғлиқ масалаларни назорат қила олмайди.

Куни кеча Нурафшон шаҳрида мазкур масалаларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиларнинг фаолияти таҳлил этилди.

Президентимиз ташаббуси ва фармони билан жорий этилган мазкур лавозимга вилоят туман ва шаҳарларида номзодларни саралаш ва тайинлаш қай даражада бажарилаётгани, ушбу масъулиятли иш кимларга топширилаётгани, хусусан, мактаб директорларининг ижодкорлар — шоир ва ёзувчилар, журналистлар билан муносабати, айрим камчиликлар ва зиддиятлар муҳокама қилинди.

— Ижодкорларимиз мактабга қорин қайғусида бораётгани йўқ, — деди куюнчаклик билан Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Маҳмуд Тоир. — Аввало, адабиётга бўлган меҳри, садоқати, ва албатта, муҳтарам Юртбошимизнинг даъвати билан қадрдон мактабларга қадам қўйишмоқда. Буни жойлардаги мактаб директорлари сўзсиз қабул қилиши ва бугунги кун талабини тўғри баҳолашлари лозим. Вилоятда ижодкорлар кўп, аммо тўққиз юзта мактабга етарли даражада эмас. Умумий рўйхатнинг атиги ўттиз фоизига ё етади, ё етмайди.

Айрим мактабларда тарғиботчи ижодкорларни атайин мактабдан бездириш учун ёки бошқа сабабларга кўра, ҳафтасига йигирма соат (0,5 ставка) умумий юклама белгиланаётгани, “ҳафтасига тўрт ёки беш кун мактабга келиши мажбурий” эканини айтиб, ҳафсаласини пир қилаётгани танқид қилинди. Ваҳоланки, бир ставкада ишлаётган ўқитувчининг ўзи ҳам ҳафтасига қирқ соат дарс бермайди, балки йигирма соат назарий дарс, йигирма соат амалий юкламалар билан банд бўлади.

Табиийки, савол туғилади: ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиларнинг вазифаси нималардан иборат?

Тарғиботчилар ижодий қобилиятга эга бўлган ўқувчиларни аниқлаш ва саралаш билан шуғулланади. Ўқувчиларнинг ижодий ишлари билан мунтазам танишиб бориб, уларга ижодий йўл-йўриқ кўрсатади. Бунинг учун ижодий тўгараклар ташкил этиб, режа асосида маҳорат сабоқларини олиб боради. Истеъдоди ярқ этган ўқувчиларни Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган турли ижодий танловларга жалб қилиш, уларнинг ижодий ишларини адабий нашрларга, альманахларга тавсия этиш ҳам тарғиботчи зиммасида бўлади.

Бундан ташқари, ижодкор ўқувчиларни атоқли адиблар номидаги ижод мактаблари фаолияти билан таништириш, ўқувчилар ўртасида турли адабий, ижодий танловлар, фестиваль ва бошқа тадбирлар ташкил этиши ҳам назарда тутилган.

Табиийки, тарғиботчилар ўқувчиларни китобхонликка чорлаши, китобсеварликка даъват этмоғи, ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара дурдоналарини тарғиб қилмоғи, ёшлар онгида умуминсоний ва миллий қадриятларни шакллантирмоғи, ёш авлодни маънан баркамол этиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшмоғи талаб этилади. Бунинг учун ойда бир маротаба бўлса ҳам таниқли ёзувчи ва шоирларни тўгаракларга таклиф этиш, умумтаълим мактабларида адабий-бадиий кечаларни ташкил этиш керак бўлади.

Тадбир якунида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Азамат Камалов тизим ходимларига мазкур муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва ижодкорларнинг тарғиботчилик фаолиятига киришиши, маошини вақтида олиши ва бошқа масалалар бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирди.

**Зоҳиджон ОЛОВ**

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

# НАВОИЙДА ЯНГИ ТОНГ ОТДИ

* * *

Мамлакатимизнинг асосий олтин хазиналари Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри бағрида. Энг йирик мармар конлари эса Ғозғонда. Бугунги кунда етти иқлимдан одамлар зиёратга интилаётган, ихлос билан Аллоҳга ибодат қилаётган қутлуғ макон, ўзидан нур таратиб турган табаррук зиёратгоҳ Нурота ҳам Навоий вилояти ҳудудида...

Шулар ҳақда ўйларканман, ҳазрат Навоийнинг бебаҳо сатрлари хаёлимни чулғаб олди:

**Ватан таркин бир нафас айлама,**
**Яна ранжу ғурбатни ҳавас айлама.**
**Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,**
**Тила хилвату анжуман ичра бўл.**

Янги Навоийда янги тонг отди. Бу пайтда Навоий шаҳри уйқудан уйғониб, хазина устида чордона қурган куёвга ўхшар эди. У шунчаки ўтиргани йўқ. Қиёфасидаги бахтиёрлик, муҳаббатдан чўғланган нигоҳларида ўктамлик ва келажак режалари, мақсадларини пишиқ, пухта тузиб, ўзини кутиб турган муваффақиятларни аниқ ҳис этиб турган соҳиби саодатга монанд эди.

Мамлакатнинг ер остидаги хазинаси олтину кумушлари бўлса, ер устидаги хазинаси – ақлли, тадбиркор одамларидир. Ер ости бойликларини, аввало, излаб топиш, уни қазиб олиш нақадар машаққатли иш. Тасаввур қилинг, ер остида пешонага қўндирилган чироқча билан, қўлингиздаги иш қуроллари ёрдамида хазина томон йўл очасиз. Ҳар қадам устингизга тупроқ қулаб тушиши мумкин, эҳтиёт бўлмасангиз, ақлу фаросат ва чаққонлик билан ҳаракат қилмасангиз хазинадан айриласиз. Ният қилиш ва олға интилиш керак. Ахир, олтин ҳам ҳар ерда болаламайди. Мармар ҳам ҳар ерда пайдо эмас.

Бепоён кенгликлар, адирлар, паст-баланд тепаликлардан ошиб, худди эртаклардаги сирли қасрмонанд Ғозғон шаҳрига етиб келдик. Олисдан Ғозғон мармари тимсоли – оқ мармар монументи гўзал маликадек виқор тўкиб турибди. Гўё у: “Мен оламда ягонаман. Менинг оппоқ танимда ўзбек халқининг оқ армонлари, орзулари, Яратган Эгамга дуоларию илтижолари тажассум топган. Мени авайланг! Мен энди донишманд элнинг муҳташам бинолари, маърифат масканлари, табаррук зиёратгоҳларига зеб бераман”, деяётгандек.

Ҳа, Ғозғоннинг оқ, қора, кулранг мармарлари Аллоҳимнинг ўзбекка берган мўъжизасидир. “Мармаробод” масъулияти чекланган жамиятининг кириш жойидаги мармар лавҳага: “Ушбу мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил Навоий вилояти Ғозғон шаҳрига ташрифи давомида қилинган тарихий ташаббусига асосан барпо этилди”, деб ёзиб қўйилган.

“Мармаробод” масъулияти чекланган жамияти қазиб олинган табиий тошларга қайта ишлов берувчиларни зарур хом-ашё билан таъминловчи корхона. Минглаб квадрат метрлик мармар ва гранит тошларни худди сарёғни кесгандек кесиб, беқасам матодек текислаб қўяётган асбоб-ускуналарни кўриб ҳайратда қоласан киши.

Банкнинг тўрт миллион долларлик имтиёзли кредити ҳисобига Хитойдан келтирилган ускуналарнинг йиллик қуввати 70 минг куб тошни қазиб олиш ва 800 метр квадрат тошни қайта ишлашга мўлжалланган. Ҳозирги кунда “Мармаробод”да 170 киши меҳнат қилаётган бўлса, корхона тўлиқ қувват билан ишга тушгач ғозғонлик ёшлардан яна 400 таси иш ўрнига эга бўлади. Мармар конларининг захираси жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда турадиган Ғозғон билан фахрланмай бўладими?!

Ғозғонда, жилодор мармарлар ёнида машҳур сангтарош уста, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Тоҳир Раҳимов билан суҳбатлашдим.

Тоҳир ҳожининг бобоси Абдураҳим уста биринчи ўзбек сангтароши бўлган. Миллатимизнинг маърифатли зиёлилари қаторида Абдураҳим сангтарош ҳам 1937 йилда қатағон қилинган. Унинг ўғиллари халқ душманининг боласи сифатида мактабга киритилмаган. Мактаб эшигидан киролмай йиғлаб юрган болаларига онаси далда беради: “Йиғламанглар, болаларим, сизлар ҳунарманд сангтарошнинг фарзандларисиз. Асло хор бўлмайсиз. Кун келади, отангиз оқланади, сизлар бой-бадавлат яшайсизлар. Хазина устига чордона қуриб ўтирасизлар. Фақат ҳалол бўлинг. Ғозғон қишлоғимиздан йироқлашманг. Ғозғонни ташлаб кетманг!”.

Эри қатағон қилинган, болалари мактабдан чиқариб юборилган, гоҳ оч, гоҳ ночор, аммо мағрур онахон айтган кунлар келди, Абдураҳим Турдиевнинг авлодларининг елкасига офтоб тегди. Юртбошимизнинг Навоий вилоятига ташрифи доирасида сангтарошларга ҳам алоҳида марҳамат кўрсатилди. Тоҳир ҳожининг “Мармар камёб” хусусий корхонасига Ўзбекистон Ташқи иқтисод миллий банки кредит ажратди. Махсус мармар кесадиган ускуналар Хитойдан олиб келинди. 2011 йилда Тоҳир сангтарошнинг шогирди беш нафар эди, ҳозир уларнинг сони ўттизтадан ошиб кетди. Юртимиздаги кўплаб зиёратгоҳларда Тоҳир ҳожи ва шогирдларининг ҳиссаси бор.

— Яратган Эгам менга, сангтарош уста авлоди қаторида, сангтарош ҳунарини берганига беҳад шукр. Ҳаж зиёратига бордим, яна бир улуғ зиёратим Афғонистонга бўлди. Мен у ерда ҳазрат Навоий қабрини зиёрат қилдим. Ҳукуматимиз топшириғига биноан муҳтарам зотнинг мақбараларига мармар безаклар бердим. Назаримда атроф-олам янада нурга тўлгандек бўлди. Минг шукр! Ахир, шу ҳунарим билан улуғ бобомиз руҳини шод этдим, — дейди уста.

Янги Ўзбекистонда чинакам янгича ҳаёт кечираётган ҳунармандга омадлар тиладик. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, шеърият мулкининг султони номи билан аталган вилоятда ҳар куни янгиланиш ва юксалиш. Бу юрт одамларининг ҳузурида қанча бўлсанг шунча илҳомланасан. Навоийликлар ақлу идроклари, бор иқтидорлари билан меҳнат қилмоқда. Энди Зарафшоннинг олтин сандиқлари калити ўз эгалари қўлида, энди Ғозғон ва Зармитан хазиналари устида чордона қурганлар ўз юртининг – Янги Ўзбекистоннинг бекларидирлар. Уларни ҳалол меҳнат бой қилди, уларни қаноат ғани этди. Зеро, ҳазрат Навоий айтганларидек:

**Кимгаки иш бўлди қаноат фани,**
**Билгилки, ани қилди қаноат ғани.**

**Зулфия МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

МУЛОҲАЗА

# ОҚИБАТСИЗЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?!

**Бугун кўпчиликни нега одамлар орасидан ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат кўтарилиб, ёшлар тарбиясида сусткашликка йўл қўйилмоқда, деган ўй безовта қилаётгани сир эмас.**

Маълумки, “оммавий маданият” шаклида четдан кириб келаётган алмойи-алжойи кўрсатувлар ҳамда ваҳшийлик, бузғунчилик ва зўравонликни тарғиб қилувчи материаллар миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга жиддий путур етказмоқда. Айниқса, ёшлар ана шу алдов, ўзига тортадиган бузғунчи ғоялару худбинлик тузоғига тушиб, бемаъни клиплардаги маҳдудликка берилмоқда. Беъманиликка тақлид эса, ёмон оқибатларга олиб келади.

Интернетда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Энг ёмони, кексаю ёш турли сайтлар орқали маънавий озуқа берадиган фойдали ҳикматлару насиҳатлар қатори менталитетимизга ёт материалларни ҳам кўради. Тўғри, замондан орқада қолмай Интернетдан унумли фойдаланиш керак, лекин унинг катта маблағ билан ҳам қоплаб бўлмайдиган зарарли оқибатларини бартараф этиш долзарб муаммолигича қолмоқда.

Маънавиятсизлик – бу, муболағасиз, жиддий муаммо.

Одатда тартибсизлик, бошбошдоқлик, ўзибўларчилик, манманлик, худбинлик, маҳаллийчилик, бир-бирини кўролмаслик каби иллатлар илдизи маънавиятсизликда. Қаердаки жипслик, аҳиллик, иноқлик ва ўзаро ҳурмат бўлмаса, ўша ерда парокандалик юзага келади.

Қандай йўл тутилса, бундай зарарли иллатлардан қутулиш мумкин? Бунинг энг яхши, энг мақбул йўли маънавиятни юксалтиришдир. Негаки, айни вазиятда дунёни гўзаллик эмас, маънавият қутқаради. Ҳа, глобаллашув даврининг мураккабликларию бугунги шароитдан келиб чиққан ҳолда, янгича қараш билан айтганда, дунёни маънавият ва маърифат қутқаради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақил устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”. Давлатимиз раҳбари 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеселекторда айни масалага алоҳида тўхталиб, бу муҳим жабҳанинг жамиятимиз ривожи, келажаги учун нақадар зарурлигини яна бир бор таъкидладилар. Видеоселекторда маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, хусусан, ёшларни болалигидан билимли ва фазилатли этиб тарбиялаш, бунинг учун мактабгача таълим ташкилотларига методик ёрдам кўрсатиш, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Дарҳақиқат, ёш авлод онгига маънавият, маърифатнинг энг муҳим тамойиллари йиллар давомида тўпланган тажрибалар ва бугунги кун талаблари асосида атрофлича, таъсирчан тарзда сингдирилса, унинг натижаси ҳам кутилганидек бўлади.

Маънавият ҳақида гап кетганда, яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Сир эмаски, сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда раҳбарларнинг қўл остидагиларга нисбатан муносабати, шунингдек, ҳузурига юмуш билан борган кишига нисбатан муомала маданияти, маънавияти ҳақида кўплаб мунозарали чиқишлар қилинмоқда. Одатда, раҳбар яхши одоби, тарбияси, ҳавас қилгудек хислатлари билан бошқаларга намуна бўлиши керак. Аммо ҳамма раҳбар ҳам оммага ибрат бўлгулик фазилатларга эгами?

Раҳбарлар билан уларнинг қўли остидаги ходимлар, қолаверса, муаммо билан мурожаат қилаётган оддий одамлар ўртасидаги муносабат, муомалада ҳам ички маданият, маънавиятнинг етишмаслигига, афсуски, кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Очиғини айтиш керак, баъзи раҳбарлар гўё унга мансаб, ваколат, ҳуқуқ, умрбод берилгану кўнгли нимани истаса, шуни қилиши керакдек, ўзларини жуда баланд тутишади. Қўли остидагиларга беписанд қарайди, четдан бирон-бир юмуш билан келганларни ҳам имкони борича қабулига йўлатмайди. Шу боис, ижтимоий тармоқларда қўпол, дағал, сўконғич раҳбар, ҳокимлар ҳақида кўплаб танқидий чиқишлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳам оёғи ердан узилган, ўзига бино қўйган баъзи маънавиятсиз раҳбарларни танқид қилиб ўтди. Ўтган йилнинг ўзида бир неча раҳбар ўз ишига совуққонлик билан қарагани, шунингдек, оиласига, фарзанди тарбиясига лоқайдлиги сабабли вазифасидан озод этилди.

Раҳбар маънавияти ҳақида ўйлар эканман, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бошида бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди. Тошкент давлат университетига ҳужжат топшириб, балим етарли бўлмагани боис, мандатдан ўтолмадим. Акам билан не бир андишаларга бориб, университет ректори, академик Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг ҳузурига кирдик. Домла бизни ўрнидан туриб қарши олди, худди яқин кишимиз сингари самимий сўрашди. Юксак одоб-ахлоқ намунасини кўрсатиб, диққат билан арзимизни тинглади ва керакли тавсияларни берди. Тўғриси, кимсан — дунё танийдиган олим, академик, Ўзбекистоннинг биринчи университети раҳбари бизни ҳузурига қабул қилиб, суҳбатлашиб, маслаҳатини аямагани, камтарлигию майин жилмайишлари ҳамон кўз ўнгимда. Ўшанда Т.Саримсоқовнинг дуоларига фариштлар омин деган эканми, ҳарбий хизматдан сўнг ўзим орзу қилган университетнинг кундузги бўлимида ўқиш шарафига муяссар бўлдим.

Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган яна бир воқеага тўхталсам. Яқинда ўқитувчиликдан нафақага чиққан Абдували ака ўз қишлоғида болалар боғчаси қурмоқчи бўлиб, бир неча кун пойтахтда бўлди. Эрталаб кетиб, кечқурун қайтади. Жуда ҳорғин, чарчаган. Гап орасида иши қандай кетаётгани билан қизиқдим.

— Бюрократия деган иллат ҳали ҳам сақланиб қолган экан, – гап бошлади Абдували ака. — Қайси идорага борманг, одамлар билан тирбанд. Аксарияти вилоятлардан келишган. Бошлиқлар ҳузурига кириш учун соатлаб навбат кутишади. Бир нечтаси билан суҳбатлашдим ҳам. Аён бўлишича, муаммоларининг аксариятини ўша жойнинг ўзида ҳал қилса бўларкан, аммо одамлар неча километр йўл босиб, пойтахтга келишга мажбур. Нега ўша вилоятлардаги раҳбарлар масалани жойида ҳал қилишмайди? Арзимас муаммони ҳал қилиш учун қанча вақт ва яна қанча маблағ сарфлаб пойтахтга келиш, сарсон-саргардон бўлиш шартми? Жойлардаги раҳбарлар виждонан ишлаганларида, бу каби муаммолар осонгина барҳам топар, ҳатто Халқ қабулхоналарига ҳам ҳожат қолмасди.

Айниқса, Абдували ака боғча масаласини ҳал қилиш учун Тошкентга 18 марта келиб-кетганини айтганида хижолатдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Қани энди менга боғлиқ бўлсаю ишини бирпасда ҳал қилиб берсам.

— Боғча масаласини ҳал қилиш учун бир нечта идорага кириб чиқдим, — ҳикоясини давом эттирди Абдували ака. – Кошки ишинг битта идорадан бита қолса? Бугун бир идорага бордим. Ўтган ой ҳам шу даргоҳга икки марта келиб-кетгандим. Идора масъуллари ҳар сафар бошлиқнинг сафардалигини айтади. Хат ташлаб кетсам, шуни ҳам киритишмабди. Идоранинг кириш йўлагида турсам, баланд бўйли, бошида қоракўл телпак, башанг кийинган... бошлиқ келиб қолди. Бино қоровули қўлини кўксига қўйиб салом берганди, парво ҳам қилмади, ғўдайганча ўтиб кетди. Шотири билан шоша-пиша лифтга чиқдию кўздан ғойиб бўлди. Ажабо, бу қанақаси? Азза-базза, бир идоранинг раҳбари савлатидан от ҳуркади-я. Аммо мен қойил қолмадим, ўша раҳбарнинг ўзини тутишию маънавиятига. Шўрлик қоровул олдимда жуда хижолат бўлди-да.

Ҳа, вақт бешафқат, уни тизгинлаб бўлмайди. Шундай экан, умримизнинг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, эзгу амалларимизнинг сарҳисоби билан яшайлик. Ким бўлсак ҳам оёғимиз ердан узилмасин. Ишимиз, вазифамизга масъуллигимиз, яхши амалларимиз билан жамият, ён-атрофимиздагиларга юксак маънавият билан хизмат қила олсаккина, шак-шубҳасиз, онгли ҳаётимиздаги энг катта ютуғимиз шу бўлади.

**Юсуф ҲАМДАМОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги**
**Ўзбекистон Миллий**
**университети доценти**

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

# МИЯСИ ҚЎЛИДАГИ АВЛОД



“Мияси қўлидаги авлод…”. Бу иборани ўтган йили университет талабалари билан бўлган учрашувда филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримовдан эшитган эдим.

Баҳодир Каримов ҳозирги ёшларга нисбатан қўллаган ушбу иборасини шундай изоҳлаган эди: “Ҳозирги ёшлар миясини қўлида кўтариб юради. Уларнинг аксариятидан бирон бир савол ёки оддий ҳисоб-китоб амалларини сўрасангиз, жавобни миясидан қидириш ўрнига дарров қўлига смартфонини олиб титкилай бошлайди”. Кейинги пайтларда домланинг мана шу сўзлари негадир хаёлимдан чиқмади. Шундан кейин атрофни кузатдим ва баъзи хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдим.

Ижтимоий тармоқлар ривожлангани сари уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳам тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ахборот олиш ҳақида гап кетганда яна ўша Интернет ёки ижтимоий тармоқлар жамоатчилик, айниқса, ёшлар учун асосий манба вазифасини ўтаяпти. Сўнгги пайтда мамлакатимиздаги босма нашрларнинг адади қисқариб бормоқда. Бунга ёшларнинг, умуман, кўпчиликнинг китоб, газета, журналларни ўқимай қўйгани ҳам сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йил якуни бўйича Ўзбекистонда ҳар 100 та хонадонга 287 та мобил телефон тўғри келар экан. Бу ҳар бир одам камида битта телефонга эга дегани. Хўш, бу яхшими ёки ёмон? Яхши, албатта. Чунки бу ҳам кўрсаткич-да. Аммо ундан тўғри ва мақсадли фойдаланилса, кўрсаткичнинг аҳамияти ижобий бўлади. Шу маънода, замонавий технологиялардан, албатта, фойдаланиш лозим. Лекин бизнинг ақлимизни бойитадиган, дунёқарашимизни ва тафаккуримизни кенгайтиришга хизмат қиладиган китобларни ҳам мутолаа қилиш керак.

Статистика қўмитасининг бошқа бир маълумотига кўра, мамлакатимизда Интернет тармоғига уланган абонентлар сони 16,4 миллион нафар экан. Аҳамиятлиси, Интернетдан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Хўш, айни ўқиб-ўрганадиган, изланадиган, ўз устида ишлайдиган паллада ёшлар кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказишмаяптими?! Масалан, ҳозир фойдаланувчилари сони бўйича “Тик-ток” тармоғи юқори ўринда туради. Бу тармоқ ёшларга айтарли ҳеч қандай фойдали ахборот бермайди, аксинча, тарбиясига, ахлоқига салбий таъсир кўрсатади. Хўш, “Тик-ток” тармоғини ким назорат қилади? Уни таъқиқлаш ёки чеклаш мумкинми? Бу борада бошқа давлатларда аллақачон унга қарши ҳаракатлар бошланган. Масалан, Ҳиндистонда мазкур ижтимоий тармоқ блокланган. Бизда ҳам “Тик-ток”, “Лике”, “Инстаграм” каби фойдасидан зарари кўп ижтимоий тармоқларни тартибга солиш ҳақида ўйлаб кўришнинг вақти келмадимикан?!

Ёшлар, китоб, Интернет ва замонавий нанотехнологиялар ҳақидаги фикрини билиш учун Баҳодир Каримов билан телефон орқали боғланиб суҳбатлашдим. Суҳбат давомида у киши қуйидагиларни айтди:

“Одатда аудиторияларда телефонни “қўлмия” дейман ҳазиллашиб. Яна бир таъбирим бор – “ибодат китоби” ҳам дейман, албатта, бунинг орқасида бир воқеаси бор. Биз компьютер ёки телефонни пичоққа ўхшатсак бўлади. Чунки инсон булар орқали худди ўзига пичоқ билан жароҳат етказганидек маънавиятини емириб, бутун вужудини абгор қилиши мумкин. Ёки инсон пичоқни ўзи истеъмол қиладиган ноз-неъматларни кесиш, майдалаш каби фойдали ишлар учун ишлатганидек, телефон ва компьютерлардан ўзининг маънавиятини юксалтириш мақсадида фойдаланса ҳам бўлади.

Бу масаланинг яна бошқа бир жиҳати ҳам бор. Ёшларимизнинг кўпчилигига фалон китобни ўқи десак, уни дарров ижтимоий тармоқлардан излайди. Агар бор бўлса, “Ҳа, бор экан-ку, қачондир ўқиб оламан-да”, дея хотиржам тортади. Ваҳоланки у китобнинг ижтимоий тармоқда, телефон ёки компьютерда бор дегани, бу унинг миясида ҳам бор дегани эмас-ку. У ҳали китобни ўқимаган-ку, хотиржам тортишга ҳаққи йўқ-ку. Мана шундай инсонни хотиржам, бемалол, ялқов қилиб қўядиган томонлари бор бу технологияларнинг. Балки, бу биз ёшликдан китоб ўқиб, унинг рангларига қараб, янги босилган китобни ҳидлаб кўриб шунга ўрганиб қолганимиз учун ёши элликдан ошган одамнинг қарашлари бўлиши мумкиндир. Бироқ бу қарашда юз фоиз бўлмаса-да, эллик-олтмиш фоиз ҳақиқат бор. Инсон тафаккурининг маҳсули бўлган смартфонлар ёки компьютерлар одамнинг ақли, тафаккури, тасаввури ва фикридан кенг эмас. Баъзи ёшлар телефонга бутун вужудини жойлаб олади. Ваҳоланки, телефон ҳам бизга ўхшаган бир одамнинг ихтироси. Унинг ихтиро қилинишидан мақсад ҳам инсонлар ишини енгиллаштиришдир. Лекин бу тайёр кутубхонада турган китобни ўқимаслик керак, дегани эмас.

Барча ижтимоий тармоқлар ва замонавий нанотехнологиялар инсоннинг камолотига, комиллигига, фикрининг теранлашишига, бошқалар билан яхши муомала ўрнатишига, ота-онасини ҳурмат қилишга, ватанни эъзозлашга, кунини ҳалол меҳнат қилиб ўтказишига ёрдам берадиган бўлса, ундай воситалардан, албатта, фойдаланиш керак. Агар тескариси бўладиган бўлса, улардан воз кечиш лозим”.

Одам бирон-бир муваффақиятга тинимсиз изланиши, ўқиб-ўрганиши орқали эришади. Юртнинг ривожланиши ҳам ёшларнинг қай даражада илмли ва салоҳиятли бўлишига боғлиқ. Бунинг учун, биринчи навбатда, инсон капиталига эътибор қаратиш — бошқа мамлакатларда синалган тажриба. Афсуски, тенгдошларимиз орасида теран фикрловчи, илмли ва изланувчанлари унчалик кўп дея олмаймиз. Билимли ёшлар сонини кўпайтиришимизда ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўрни бениҳоя катта. Айниқса, ёшларни тинмай ташаббусларга чорлайдиган, мотивация берадиган, ўз соҳасида чуқур билимга эга ўқитувчилар зарур. Ота-оналар эса фарзандининг ўқиб-ўрганиши учун шарт-шароит яратиб беришлари ва уларни мунтазам назорат қилишлари лозим. Ана шунда “мияси қўлидаги”лар эмас, балки етук интеллектга эга бўлган ёшлар сони кўпаяди.

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,**
**талаба**

# ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

* * *

Уюшма томонидан Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасига 53 номда жами 13 453 дона китоб совға қилинди. Бу китоблар кутубхонанинг ўн тўртта ҳудудий бўлимларига етказилиб берилди. Ушбу китоблар навбати билан брайл ёзувига ўтказилиб фойдаланувчилар учун қулайлаштирилади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Ёзувчилар уюшмасида буюк мутафаккир Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти давомчилари саналган олимлар ҳақида бадиий асарлар яратишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда таниқли шоир Мирзо Кенжабек, адабиётшунос Сайфиддин Рафиддин, ёзувчи Аббос Саид ва бир гуруҳ ижодкорлар иштирок этди. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази раҳбари Даврон Мақсудов Абу Мансур Мотуридий ҳамда у кишининг шогирдлари, издошлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар танлови эълон қилинганини, ушбу мавзуда ижод қилишни хоҳловчилар тадқиқот маркази томонидан зарур илмий адабиётлар ва қўлёзмалар билан таъминланишини таъкидлади. Шунингдек, мотуридийлик таълимотининг бугунги кундаги долзарб аҳамияти, мавжуд илмий адабиётларни содда, равон услубда бадиий акс эттиришда адиблар ва уламоларнинг ҳамкорлиги муҳимлиги ҳам қайд этилди. Ўзаро ҳамкорлик ақида бобидаги хато қарашларни ислоҳ этиб, билиб-билмай ёт оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Исмоил МАҲМУД МАРҒИЛОНИЙ



# ОЛАМ ИЧРА ЎЗБЕГИМ БЎЛДИ БЎСТОН ЯНГИЧА

* * *

Беадад шукрингдадурмиз, бўлди даврон янгича,
Бу азиз даврон ароким бўлди имкон янгича.

Одамийлик топди қадрин ҳар нафас, ҳар ердаким,
Бу гўзал имкон ароким бўлди инсон янгича.

Янги даврон, янги имкондан кўнгил топгай қадр,
Қадру қимматлар ароким бўлди ирфон янгича.

Яйрагай ошуфта диллар хайри лутфингдан, Эгам,
Бу гўзал чоғлар ароким бўлди хушхон янгича.

Саф олиб ҳар жабҳада олам аро бўй кўрсатиб,
Ҳур ҳаёт бағрида диллар бўлди шодон янгича.

Яхши ният бирла келгай дилга Ҳақнинг неъмати,
Раҳмати Ҳақдан чароғон бўлди ҳар ён янгича.

Маҳмудо, ҳар дам дилингни шукрида қил сарфароз,
Олам ичра Ўзбекистон бўлди бўстон янгича.

* * *

Ҳар қачон ҳар ердаким ўз ошёним яхшидур,
Кўз очиб кўрган онамдай меҳрибоним яхшидур.

Осуда, сокин, улуғвор ҳур ҳаётим манбаи,
Олам ичра беқиёс сарви равоним яхшидур.

Ҳусни кўнглимга берар қудрат, иродат беэваз,
Тўрт фасл бирдай нуроний, нурфишоним яхшидур.

Қайда бўлсам қўмсагай руҳим анинг райҳонини,
Ифтихорим, иқтидорим, гулистоним яхшидур.

Ул муқаддас зоти пок аждодларим туфроғи бу,
Келгуси авлодга мерос ҳур жаҳоним яхшидур.

Ҳикмати, лутфи билан Ҳақ чин мукаррам айлаган,
Халқ аро миқёсда турган комроним яхшидур.

Маҳмудо, ҳар лаҳза шукрин айлагай тақдирининг,
Ҳур диёрим Ўзбекистон — жонажоним яхшидур.

* * *

Таъма бирла қилса ҳар ишким риёга айланур,
Оқибат маҳшарда, бил, юзи қарога айланур.

Бенишон кетмас бу олам саҳнидан ҳар бир киши,
Тўғри йўлдан юрмаса ким бедавога айланур.

Зоти поклар ҳолисанлиллаҳ иродат ичрадур,
Шу сабабдан ҳар сўзи, билгил, зиёга айланур.

Бандаси ҳоли эмас ҳаргиз хатодан, бил, азал,
Бас, улуғлар дастини тутса асога айланур.

Пиру устозлар нигоҳи тошни кимё этгуси,
Нури Ҳақ бирла киши аҳли ризога айланур.

Чарх тақдири аро, боқ, қилса ким солиҳ амал,
Ул ёмон ҳам амри Ҳақ бирла расога айланур.

Таъмаю кибру ужбдан зангланур ҳар дилки, ваҳ,
Ёр йўлида, Маҳмудо, юрсанг шифога айланур.

* * *

Эгри йўллардан юриб ҳеч ким паришон бўлмасин,
Охират ваҳмин кўриб сўнгра пушаймон бўлмасин.

Ношукрлик дастидан келгай кишигаким хатар,
Келсаким бундай синов кўнгли бедармон бўлмасин.

Эй ўғил-қизлар, ҳаётда яхшилар азмин тутинг,
Ҳамроҳингиз ҳеч қачон нафс ила шайтон бўлмасин.

Топди ким ужбу риёлар ичра шон-шуҳрат, боқинг,
Иддаолар бирлаким неъматга бўҳтон бўлмасин.

Кўнглингиз обод этинг Сиз марду майдонлар билан,
Бу улуғ мақсад йўлида дилда ёлғон бўлмасин.

Ўйламай хавфу хатарни, босмангиз нобоп қадам,
Қўшилиб бебаҳраларга қалбингиз қон бўлмасин.

Эй Худоё, қилмагил Маҳмудни ҳам бадь аҳлидан,
Айрилиб Ҳақ, йўлидан охирда сарсон бўлмасин.

* * *

Яхши ният ҳар замон инсонга омад келтирур,
Икки дунёсин обод айлаб фароғат келтирур.

Қобил инсон лабзи доим мулки хушликдан нишон,
Баркамоллик сийратин фикру синоат келтирур.

Яхши ният Ҳақ йўлида дилни доим пок этар,
Ул азиз дўстларга дўстликдан итоат келтирур.

Яхшилик яхши дегайлар пиру устозлар мудом,
Яхши ният, яхши сўз ҳар дам шафоат келтирур.

Ҳеч киши топмас фазилат дилни равшан айламай,
Тутса ким шайтон йўлин, билгил надомат келтирур.

Яхши ният, яхши сўз эҳсон йўлида бир қадам,
Бу қадам маҳшарда ажрига кафолат келтирур.

Эл аро, эй Маҳмудо, сен яхшиликни куйлагил,
Яхши ният, яхши сўз мангу саодат келтирур.

* * *

Эй Дилоро, бир назар айлаб дилим обод қил,
Турфа хил шубҳа-гумондан, кел, мени озод қил.

Қанча интилмай висолинг топмадим ҳаргиз, санам,
Қудратинг бирла бу маҳзун кўнглима имдод қил.

Ҳар нафас, ҳар ерда, ҳар дам истагим сенсан менинг,
Хуш такаллум бирлаким сен покиза зурёд қил.

Севганим танҳо ўзингсан, ганжи меҳробим ўзинг,
Марҳамат айлаб бу айём ичраким бир ёд қил.

Ибтидойим, интиҳойим бир сенинг ҳукмингдадир,
Айлагил кўнглимда нуринг, ғайрини барбод қил.

Сендан айру кўрмагайман толеимни, эй нигор,
Илтижойим сенга, ишқинг ичраким бунёд қил.

Васли ишқинг шавқи ичра айлагил Маҳмуд дилим,
Бир таважжуҳ бирлаким ожиз қулинг дилшод қил.

* * *

Тут ўзингни, эй кўнгил, сен аҳли зоҳирдан йироқ,
Тузмагил ҳаргиз анинг бирла кўнгилдан иттифоқ.

Сол назар, ҳоли ҳаётинг боғига сен дил билан,
Булбулу зоғ ўртасинда йўқ эрурму боқ, нифоқ.

Ул санам дарди билан ёнгай талаб аҳли мудом,
Ўртагай ҳар дам аларни ишқида дарду фироқ.

Ҳеч вафо қилгайму дунё аҳли раҳмат қорига,
Аҳли маъни ҳикмати ҳар дамки, бил, дилга сабоқ.

Даҳр эли бозорида бўлмоқ қийин осудаким,
Бас, синиқ кўнглингга ботин аҳлини айла чироқ.

Маҳмудо, доғи дилингни билмасин бедардлар,
Ёр васлин топгай Ул Кун бўлса ким мардонароқ.

Тўлқин ҲАЙИТ



# ШАХС

ҲИКОЯ

Қиш куни бир тутам, кўзлаган ишни битираман, дегунча қош қораяди. Ташқари совуқ эди, оқшомги изғирин одамни жунжиктириб юборарди. Марказдан келган оддий амалдор Ҳаким Тўхтаев иссиқ хонадан ташқари чиқиши билан юзига урилган совуқдан эти увишиб, аъзои бадани дир-дир титради. Ғудраниб тамшанганча шинам, оппоқ меҳмонхонани кўз олдига келтирдию борган заҳоти иссиққина сувда ювиниб, юмшоқ тўшакка ўралиб, бироз телевизор томоша қилиб, сўнг мазза қилиб ухлашни ўйлади ва ҳатто, бу ўйидан танига иliқлик югурди.

Шоҳбекат тўла такси. Шовқин-сурон авжида.

Жаранглаган таниш овоз унинг диққатини тортди:

– Ҳе-е! Уми? Бир тийин-ку! Буни мендан сўрамайсизми?!

Соҳиб дегани бўларди институтда. Ўшанинг овозига ўхшаркан. Ундан бир курс пастда ўқирди. Димоғдор, ҳеч кимга гап бермас йигит эди. “Одам дегани шахс бўлиши керак”, дер эди доимо. Унга ҳам бир-икки сафар: “Агар кучли одам бўламан десангиз, ҳамма нарсани инкор қилинг, ҳатто таниқли кишилар ҳақида гапиришса: “Ким эди у?!” деган гап тилингизда бўлсин, фақат катта одамлар билан гаплашинг, майдакашларни атрофингизга йўлатманг”, дея маслаҳат берган эди. Албатта, ўшанда Ҳаким Тўхтаев бу гапдан лол бўлиб қолган эди.

Шу-шу уни кузатиб юрди. Бир йили, эсида йўқ, куз ойи эдими, кўчада учратиб қолди. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади-да, нима дедингиз?! У пайтда Ҳаким Тўхтаев ташкилотда бухгалтер бўлиб ишларди. Ҳол-аҳвол сўраган эди, Соҳиб мақтаниб қолди. Ректор билан ота-бола бўлиб кетибди, институтга ишга қолдираётганмиш. Ҳаким Тўхтаев кўнгли беғубор, дўстпарвар киши эмасми, унга ҳаваси келди: уддабурон йигит, омадини берсин, деди.

Орадан йил ўтиб, Юнусободда, бир тўйда яна юзма-юз келишди. Соҳиб жуда пўрим кийинган эди: оёғида фалон минг сўмлик тоза қора чарм туфли, мовий костюм-шими ҳам унча-мунча бойвуччаникидан кам эмас. Институт ўқитувчиси бундай кийим кия олмайди. Сўраса, тишининг оқини кўрсатишга қизғаниб: “Бе, ўқитувчилик... ташаб кетдим. Ҳозир қўмита раисининг муовиниман”, дея мақтанчоқлик билан осмонга қаради. Омадингни берсин, деди ичида. Лекин бунақалар қандай қилиб, катта қўмиталарга ва катта одамларга йўл топаркин, дея унга яна қойил қолди.

Орадан беш-олти йил ўтди.

Бир куни “Версал”да ошда кўришиб қолишди. Казо-казолар билан турганди. Бўй-басти жойида, қип-қизил кулча юзи тирсиллайди, эгнида қимматбаҳо плашч, қизил бўйинбоғнинг ўзи аллақанча турса керак. Данғиллама ҳовли қурган, “Прадо” олган, деб эшитган эди. Рост экан, омадини берсин, деди яна.

Бир йилдан сўнг ўша қўмитага текширишга борди ва дарҳол Соҳибни сўради. Семиз бухгалтер опа: “Ҳеҳ, уми?! Шайтон! Урилиб кетди!” деди пишиллаб. “Болага жавр бўлибди” деб ўйлади, ҳатто раҳми келди. Ишдан урилиб кетган йигит хотин, бола-чақа олдида юзи шувут бўлиб, ўзини ўзи еб битиргандир. Ана шуниси ёмон!

Шу гаплар хаёлидан ўтаркан, ўшамикан, дея яқинроқ борди. Ҳар ҳолда битта институтда ўқишган, кўз-кўзга тушган. Афсус, қайси тумандан эканини сўрамаган экан. Лекин адашмабди, бу ўша – Соҳиб эди! Гап-сўзи ўша-ўша, бир туки ўзгармабди. Фақат сочига оқ оралаб, пешонасини ажин босибди.

– Соҳиб! – деди беихтиёр қувониб. Ёшликда бирга бўлган танишни учратганда, албатта, шодланасиз, суюнасиз-да! Тўғрими?

Соҳибнинг юзини ҳайрат булутлари қоплади, ялт этиб унга қараркан, кўзлари олазарак боқди.

Ҳаким Тўхтаевнинг пешонасидан тер чиқди, адашдимми, чолни кўриб, бува деган бўлсам-а, дея ўйлади, лекин “ўша бўлса, мени дарҳол танийди” деган гап кўнглидан ўтиб, хотиржам тортди. Чиндан ҳам, Соҳиб бир кўрган одамини сира эсидан чиқармас, ҳар кўрган кишисининг исм-шарифини ҳам дарҳол эслаб қоларди.

– Э, акажоним! – деди Соҳиб беўхшов ҳи-ҳилаб. Гап оҳанги ғашига тегса-да, тишини-тишига босди. – Вей, вуҳ-ҳи-и! Сиз...акамулло! Осмондан тушдингизми, ердан чиқдингизми?!

Ҳаким Тўхтаев ҳеч бир андишага бормай гапни ҳазилга бурди:

– Бурнингиз остидан чиқдим!

Соҳиб худди ўша, аввалгидай, истеҳзоли оҳангда қотиб ҳи-ҳилади ва ҳол-аҳвол сўради. Ҳаким Тўхтаев шукр, деб гапни қисқа қилди, сўнг ўз навбатида, ундан ҳол-аҳвол сўради.

Соҳиб яна аввалгидай, қўлини пахса қилиб гапира кетди:

– Ҳе, акамулло, юрган эканман-да, беш-олти қорни катталарга дум бўлиб! Кўриб турибсиз, қора қозон ҳар куни қайнаб турибди. Ҳафтада икки кун кўчага чиқаман: марказга уч-тўрт марта бориб келаман, бир ойлик иш ҳақини бир ҳафтада топаман! Ўзлари-чи?

Айтди.

Ота Соҳиб бу сафар чийиллаганча ҳиҳилади:

– Бир пулга арзимайдиган ташкилот у, акамулло, каттаси шунақа одам! Жа-а, шу билан сичқон-мушук ўйнагани келибсиз-да! Вей, вуҳ-ҳи-и! Вой, Сиз...акамулло!

Ҳаким Тўхтаевда ҳам сал қизиққонлик, иззатталаблик бор. Соҳибнинг одатини билгани учун ҳам, унинг пичингидан жаҳли чиқиб, сочидан тирноғигача зириллаб кетди. Аммо жаҳл чиққанда ақл кетади, дея ўзини босди ва ўзини Соҳиб ўрнига қўйиб кўрди. Ўзи бўлса, пойтахтдан шундай қадрдон меҳмон бўлиб келибди, дея уйга бошлармиди? Ҳа, шундай, уйга бошларди. Лекин Соҳиб-чи? Устидан куляптими?! Ўзини ҳамон шахс деб ўйлайди, шекилли!

Ҳаким Тўхтаев гап келганда отасини ҳам аямайди.

– Ҳали ҳам ўша одатлари қолмабди-да, Соҳиббой! – дея унга юмшоққина дакки берди, мулойимгина койиди.

Соҳибнинг нафаси ичига тушиб кетди. Узун қўлларини тарвуздай қорнига қўйиб, бир нарса демоқчи бўлди, аммо тили айланмади. Меҳмоннинг қаттиқ танбеҳи унга оғир зарба бўлгани рост.

Қорни очиб, танаси совуқдан жунжиккан Ҳаким Тўхтаев:

– Омадингизни берсин, жаноб шахс! – деди бир оз истеҳзо оҳангида.

– Шахс?

Соҳибнинг гапи оғзида қолди, Ҳаким Тўхтаев у билан ади-бади айтишни насия қилиб, меҳмонхона томон одимлади.

Ортдан кимнингдир:

– Ким у? – деган товуши эшитилди.

Соҳиб:

– Битта амалдор-да! – деб жавоб қилди.

Ҳаким Тўхтаевнинг кўнглидан бир гап ўтди. Қандай гап денг?

“Ҳе ўргилдим, сендай шахсдан!”

ЖОНТЕМИР

# ТИЛИМ – БУЛБУЛ...



## ҚАЕРДАН ҚАЕРГА

1

То тўлишиб олгунча ҳилол,
Тун кўксини тилиб кетади.
Йилда бир бор ечиниб илон
Янги пўстин илиб кетади.

Қаердан қаерга?

Думалайди кирларда баҳор,
Бойчечакка эврилар ғафлат.
Елкалари азалий яхоб
Чўққиларнинг кўзида нафрат.

Ўрикларнинг кофур лабига
Келиб қўнар болари шилқим.
Мушкин бўйлар тараб камига
Шамол чопар шаҳарда йилқи.

Қаердан қаерга?

Парвоз сирин очмас бургутлар,
Тош қопланган бақа найласин?
Манглайида қадим туркулар,
Миқ этмайди тошлар — файласуф.

Одам ерга кириб борару
Кўкка қараб ўсар чирмовуқ.
Парвардигор нафасидир руҳ,
Нечун баъзи чеҳралар совуқ?!

Ҳадиксираб яшаймиз доим,
...Бизмас, бизни қилмиш томоша.
Аллақандай ҳикматга мойил,
Дунё қувғин қулундай шошар.

Қаердан қаерга?!

2

Оламга тун чўкар, тунга аламинг,
Ўқ еган ўлжадек типирчилар қалб.
Тахайюл — бош-кети мавҳум даланинг,
Турибсан кўринмас шоҳини алқаб.

Кўчалар яланғоч, боғлар яланғоч,
Чарчоқ ташвишларни уйқуга белар.
Ёлғиз сенинг дайди тасаввуринг оч —
Коинот кокилин силагинг келар.

Кўз олдинг пушти, йўқ, камалакрангда,
Юракни тирнайсан — чўғ тортилган соз.
Қон эмас, сўз силқиб чиқар ярангдан,
Уни боғламакка ирганар қоғоз.

Кекса бургут тоғдан қулаган мисол
Кулдонга йиқилар чекилган фурсат.
“Балки жавобини айтади Исо!”
Айтади, қиёматгача улгурсанг.

Сен-ла туғилмаган, кетмас ҳам ёниб,
Етим қовурғангни ўша қайирган.
Анор донасидай эзар дунёни,
Даҳшатли савол —
ҚАЕРДАН ҚАЕРГА?!

Ёлғиз сенинг дайди тасаввуринг оч...

***

балогардон қайдасиз
қарияпти кулгичим
ҳа ё ҳу ҳа ё ҳу
дам солинг ай руҳимга
бўшаб қолдику ичим
ҳа ё ҳу ҳа ё ҳу

саҳрога кетди жасад
зуҳрога етди миш миш
демишлар
сандек насаб
самовотнинг айбидир
менга тутгани ишқнинг
маймидир ё наймиди
ҳа ё ҳу ҳа ё ҳу

киролмадим
вовайло о
маъшуқнинг қалбигача
етсам
тугайман
ҳайло
бобомнинг қабригача
ҳа ё ҳу ҳа ё ҳу

тилим булбулу соқов
кўзим бойўғлига ин
ҳеч йўқ оқарсин сочим
кетиб боряпман
секи и ин
ҳа ё ҳу ҳа ё ҳу

***

Гувранади ҳаприқиб дарё,
Ёқасини қўйвормас, чилла.
Дошқозонга ташланган сарёғ –
Елкалари куяр жазиллаб.

Ўшқиради бепушт булутга,
Осмон – гадо кафтидай очиқ.
Вазифасин тамом унутган
Ибодатгўй чўққилар – ҳожи.

Итдай юзин ялар гармсел,
Ҳансирайди туфроқ, ярадор.
Қилт этмайди шамол – қаримсиқ,
Ҳиппа бўғиб олган саратон.

Шўрлик дарё – тўшакдаги чол,
На шиддат бор унда, на силла.
Фожеадан бехабар, хушҳол
Хуррак отар салқин фасллар...

## ЧАҚМОҚ

Чақмоқни унутма, чўридай сиғин,
Ёрилиб, ёритиб ўтди ғамингни.
Тозалаб зулматнинг чанг қорачиғин,
Шиддатни кўрсатди сенга самимий.

Кетаркан юрагинг тушиб тўпиққа,
Кечиргин, нафратинг эритиб тақво.
Лаҳзанинг хасмидир хумор ҳўпиккан
Қайноқ сониялар қултойи – чақмоқ.

Абадий ҳаётдан юзини бурган,
Чақнару борлиқни ютар ямламай.
Кимсасиз ҳужранинг бурчида турган
Юз йиллик суратлар уни англамас.

Юлдузга йиғлама, дил фиғон ўксиб,
Қуёш ҳам такрорнинг тимсоли – мистан.
О, фақат йилдирим жазбанинг юксак
Чўққисидан мағрур қуламоқ истар...

Қара, дунёингни ёритдим бу кеч,
Яша, шу лаҳзада севин, севил, ён!
Тангридан боқийлик сўрамагин ҳеч,
Боқийлик – ёнишмас, сўнишдир, ишон!

Замин зерикарли, Хизр ҳам тўйган,
Минг йиллик сиртмоқ бор қарға бўйнида.
О, сен-да чақмоқ бўл, лаҳзада чатнаб,
Бирга жон берайлик осмон қўйнида!

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

# «ШЕЪРНИНГ СОЗИ ТЎРТ САТР...»




Академик Бахтиёр Назаров ўзига хос шахсияти, серқирра илмий-ижодий фаолияти билан халқимиз орасида кенг танилган истеъдод соҳибидир. Унинг адабиётшунос, мунаққид, фан ва жамоат арбоби ўлароқ эришган ютуқ ва натижалари нечоғли эътиборли бўлса, шунчалик ибратли ҳамдир. Аслида ҳам у адабиётшунос, шеършунос, нафосатшунос, бир сўз билан айтганда, маънишунос бўлиб туғилган. Алишер Навоийнинг «Аҳли маъни гуруҳида зинҳор, ҳеч ор айлама гадолиғдин» деган даъватларида Бахтиёр Назаровга ўхшаган зотлар назарда тутилган.

Нафосат, гўзаллик, ҳақиқат туйғуси Бахтиёр аканинг қонида, руҳида кезинадики, унинг ҳар бир мақоласи, тадқиқот ва китобида ёрқин кўриниб туради. Бахтиёр Назаров миллий адабиёт олдида масъулиятини унутмаган, бадиий ижодга қараши юксак тадқиқотчи. Шу боисдан ҳам у ўртамиёна ёки адабиёт даргоҳида адашиб юрган қаламкашларнинг асарларига эмас, балки Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи сингари ҳақиқий талантлар ижодига эътибор қаратиб бири-биридан мароқли мақола, рисола ва китоблар ёзган.

Шеър ёзиш билан шоир бўлиш айни бир ҳолат эмас, албатта. Умуман, буни биз биламиз, бу хусусда гоҳо фикр ҳам алмашамиз, аммо бевосита чин шоирлик ҳақида, шоир бўлмасдан ҳам шеърнамо нарсалар ёзавериш мумкинлиги борасида кам ўйлаб, деярли гапирмаймиз. Ҳолбуки, шеър ёзиш, китоб чиқариб ном қозониш, унвону мукофотларни қўлга киритиш билан шоирлик – шоир санъаткорлик орасида еру осмон қадар фарқ бор. Кейинги даврларда ана шу ҳақиқат деярли унутилди. Дарвоқе, бир тоифа илм аҳли бўлади, шеър ёзиш қўлидан келади, бироқ бунга қунт қилмайди ва шоирлигини илми, маърифати орқали ифодалайди. Бахтиёр ака шулардан бири ва шеърдан буткул ажралмаган ҳассос олим. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Бахтиёр Назаровга бағишланган мақоласида мана нима деган эди: «У (яъни Б.Назаров) аслида яхшигина шоир эди. Агар шеърият йўлидан кетганда ундан таниқлигина шоир чиқиши мумкин бўларди деб ўйлайман. Лекин у ўзидаги имкониятни кўпроқ илмда кўрди. Ўзини илмий мушоҳадали камровлар орқали намоён қилиш кераклигини вақтида англаб етди».

Қисмати ва келажаги билан боғлиқ ҳақиқатни инсон вақтида англаб етишнинг хосияти ҳам, аҳамияти ҳам ниҳоятда катта. Бахтиёр аканинг ўжарлик ва худпарастликка берилмай шоирлик иддаосидан кечиши бунинг бир мисолидир. Ҳурматли олимимизнинг ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган «Менинг лаҳзаларим» номли шеърий мажмуаси ботинан унинг на шеър, на шоирликдан воз кеча олмаганининг далилигинамас, исботи ҳам дейиш мумкин.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бир тўртлигида:

**Шеърнинг сози тўрт сатр,**
**Тўрт ажойиб зўр сатр,**
**Шоир одам ўзини —**
**Тўрт сатрда кўрсатур, —**

деган эди. Гарчи бу ҳазил аралаш гап бўлса-да, тўртлик, хусусан, рубоий қадим-қадимдан шеър ва шоирликнинг тан олинган мезони саналиб келингани ҳам бор ҳақиқатдир. Рубоийнависликнинг сарчашмаси ҳисобланган Умар Хайём, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Мирзо Бедил каби даҳоларнинг тажрибаларидан завқланиб, маҳоратига ҳавас қилмаган ижодкор топилмаса керак. Бахтиёр Назаров тўртликларидаги ифода ихчамлиги, маъно қуюқлиги ва донишмандлик ана ўша анъаналарнинг бардавомлигидан далолат беради:

**Бутун олам бўлсин хайриҳоҳ,**
**Тўрт тарафинг бўлсин сайлгоҳ.**
**Кўрганмисан бирор рўшнолик**
**Ўзинг бўлмай жўмарду огоҳ...**

Китобга яхши ном топилган. Зеро, ҳақиқий тўртлик дам, фурсат, лаҳзада туғилган туйғу, фикр, ҳикмат ва ҳақиқатдир. Унда атайинлик, сунъийлик, зўрма-зўракилик бўлмайди: ҳаммаси табиий, самимий ва жозибали бўлади. Масалан, мана бундай:

**Тўртликларим маъюс бир нидо сизга**
**Шунчайин бўлса-да, жон фидо сизга.**
**Ёдда қолганларин сизга илиндим,**
**Ёдда қолмагани алвидо сизга.**

Бундоқ қараганда шоирлик ҳам он, дам, лаҳзани ўзиникига айлантириб улардан ғолиб келишдир. Лаҳзанинг сир-асрори ва мазмун-моҳияти шу қадар теран, шунчалик тасаввурга сиғмаски, донишманд шоир Ғафур Ғулом бежиз «Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал», демаган. «Менинг лаҳзаларим»ни ўқиган зукко шеърхон ундаги ғазал, фард ва бошқа шаклдаги шеърларда ҳам лаҳза завқ-шавқини идрок этолмаган киши Вақт ҳукми, ҳаёт фараҳи ва умр шиддатини умуман хаёлга келтиролмайди деган қарордан чекинмаслиги мумкин.

Ушбу тўпламни мен хасталик ҳолатимда ўқидим. Шунда ҳам у кўнгилда ўзгача бир ҳаётий таассурот уйғотиб, турли-турли фикр-мулоҳазаларга йўл очди. Таассуфки, уларни етарли зайлда қоғозга тушира олмадим. Оллоҳ бунга ҳам имкон берар деган умиддаман.

Қадрдон оғамиз, ишончли ва субутли сафдошимиз Бахтиёр Назаровга эса Яратгандан сиҳат-саломатлик, узоқ умр, илмий-ижодий ишларида янги-янги зафарлар тилайман. Ва шеърхон қуйидагига ўхшаш сатрларни хотирада сақласа, ҳеч зиён қилмайди деб ўйлайман:

**Ашаддий номардга армон бўла бил,**
**Буйруқсеварларга фармон бўла бил,**
**Дармон бўлиш осон дардни айтганга,**
**Дардни айтмаганга дармон бўла бил.**

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

АДАБИЙ АСАР — ТИЛ ҲОДИСАСИ

*1. Бугун яратилаётган насрий асарлар(роман, қисса, ҳикоя, эссе)да муаллифлар тил масъулиятини қай даражада ҳис этаётир?*

*2. Насрий асарлар тилини нималар бойитади, деб ўйлайсиз: халқона ибораларми, мақолларми, образли ибораларми? Тили нуқтаи назаридан пишиқ-пухта ёзилган ёки сўз санъатига бегона тилда ёзилган қандай асарларни кўрсатган бўлардингиз?*

# ТИЛ ТАРБИЯСИ ЗАРУР



Замонавий адабий асарлар тилига жиддий эътирозим йўқ. Айниқса, профессионал адибларимиз, барака топишсин, ёмон ёзишмаяпти. Мен баъзан тилимизни телевидение бузмаяптимикан, деган фикрга бориб қоламан. Тонгги кўрсатувлардан бирида телебошловчи қизимиз "...уч дона инсон келди" иборасини тилга олмаганида ва бу ҳам камдек, айнан шу куни ўзбек тилига ўгирилган кўп қисмли турк сериалларидан бирида "дона" сўзи ножоиз қўлланилмаганида, болалигимда, яъни ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаги она тилимизга боғлиқ ибратли кечмишлар қалбимда туғён урмаслиги мумкин эди. Бизда яхши бир одат мавжуд бўлиб, катталар овул болаларининг одоб-ахлоқи қатори, тилига ҳам масъул эдилар. Катталар тилга эътиборли бўлгани учунми, сўзлар жонли ва сирли туюларди ва ҳар бир жумлани ўз ўрнида ишлатишга уринардик.

"Уч дона инсон келди" эмас, "уч нафар киши келди" бирикмаси тўғрилигини биз мактабга қатнамасдан аввалроқ билардик. Бунда катталарнинг назоратидан ташқари, эртакчи момоларимиз ҳамда болаларни теварагига жамлаб ривоятлар сўзлагувчи отахонлар ҳиссаси ҳам катта эди. Тингланган эртаклар, қулоққа чалинган ривоятлар болаларда китобхонликка қизиқиш уйғотиб, тилимизга нисбатан эҳтиром туйғусини шакллантирар эди. Афсуски, замонавий техник воситалар туфайли бу кўҳна қадриятлар секин-аста унутилаётгандек, тилга эътибор сусайиб, қоришиқ тилда сўзлашиш кучайиб бораётгандек. Бу каби нохуш ҳолатларга деярли ҳар қадамда дуч келиш мумкин. Фикримиз тасдиғи сифатида, келинг, шаҳардаги маълум бир йўналиш бўйича ҳаракатланадиган таксига чиқайлик-да, тушар манзилини ҳайдовчига айтаётган йўловчиларнинг гап-сўзларига эътибор берайлик: "Мостда ташлаб кетинг", "Поворотда тушиб қоламан", "Остановкада тўхтаб ўтарсиз". Мана, кўрдингиз, "кўприк" ўрнида "мост", "бурилиш" ўрнида "поворот", "бекат" ўрнида "остановка" каби русча сўзлар ишлатилган ва афсуски, бу нохуш ҳолат аллақачон урфга айланган.

Кўпчилик ўзга тилдаги бу каби сўзларни англаб-англамаган ҳолда қўллайди. Эътироз билдирсангиз, тилимиз шунга ўрганиб қолган-да, деб қўя қолишади. Бозор ва бошқа гавжум жойларда эса аҳвол бундан-да хунук. Бу етмагандек, дўконлардаги ёзувларга нима дейсиз. Яқинда улкан, ҳашамдор бир дўконда "Ёш картошка" деган жумлага кўзим тушиб қолди. Ахир, картошканинг ёши эмас, янгиси бўлади-ку. Тилга нисбатан шунчалик ҳам эътиборсиз бўлиш мумкинми?! Ахир, тил софлиги учун жон куйдириш маълум бир тоифанинггина иши эмас-ку.

Шу ўринда ёзилаётган адабий асарларнинг айримлари тили ҳақида тўхталадиган бўлсам, айтиш жоизки, бугунги кунда турли саргузашт ва олди-қочдиларни катта-катта роман, қисса шаклида халққа улашаётган муаллифлар пайдо бўлди. Лекин назаримда, бундай китобларнинг аксарияти тили ва бадиий савия жиҳатидан жуда бўш. Чунки уларни ўқишга қийналасан.

Мен ўнлаб йиллар давомида бахшилар фаолиятини кузатиб шунга амин бўлдимки, бу соҳа кишилари она тилимизга, унинг ҳар бир сўзи, жумласига ниҳоятда эътиборлидир. Уларнинг куйлашу сўйлашларида, китоб ҳолида чоп этилган достонларида тил ва бадииятга чуқур меҳр ва синчков муносабат яққол намоён. Бу, албатта, устоз бахшиларимиз меҳнатидир. Бахшиларимиз тилга ҳурмату сўзга иззатни шогирдлари онгу шуурига ёшлигидан сингдира бошлайди, худди куй ва оҳангдек ҳар бир жумла устида такрор-такрор ишлашга, сўзнинг маъно ва қудратини қалбларига жо этишга мажбур этади. Устоз бахшилар тарбиясини олганлар ҳеч қачон тилимизни бузиб, кўприкни "мост", бурилишни "поворот" дейишмайди. Улар тилни муқаддас билишади. Қанийди, ҳаммамиз ҳам тилимизни муқаддас билиб, устоз бахшиларнинг тил тарбияси усулини ўз оиламиз ва яқинларимиздан бошласак.

**Нормурод НОРҚОБИЛОВ,**
**ёзувчи**

"Жаҳон адабиёти"

*2021 йил апрель сони*

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР




Атоқли рус шоири Андрей Вознесенский "Хандақ" эссесида ёзади: "Маънавий эпидемия — тубанлик ўлати тарқалса нима бўлади?" Шоир ўз эссесида мана шундай кўргиликлар оқибати ҳақида бонг уради. Асар рус тилидан Сирожиддин Саййид таржимасида тақдим этилган.

"Аср ҳикоялари" сирасидан XX аср Лотин Америка адабиётининг мумтоз вакили Хорхе Луис Борхеснинг "Боқий одам" ҳикояси берилган. Мураккаб сюжетга қурилган, теран фалсафий фикрлар сингдирилган ушбу ҳикояни Маҳкам Маҳмудов таржима қилган.

"Орол — одам" деб номланган Абдусаид Кўчимовнинг эссесида Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф ноанъанавий тасвир усуллари орқали жасоратли, меҳнаткаш ва метин иродали инсоннинг ижодий портретини яратган. Адабиётшунос Олим Тўлабоевнинг "Рауф Парфи ва жаҳон адабиёти" номли тадқиқотида Жорж Байрон, Рабиндранат Тагор ва ҳозирги замон япон шоирларининг ўзбек шоирига ижодий таъсири ва Р.Парфининг улар поэзиясидан қилган таржималари ҳақида фикр юритилади.

Машҳур турк адиби Азиз Несиннинг юморга бой ҳажвий ҳикояларини Ҳабиб Сиддиқ таржимасида ўқийсиз.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида И.Султоннинг "Алишер Навоий", А.Дюманинг "Жаллод чангалидаги ошиқлар" романлари ҳамда "Маънавий маснавий"дан ҳикоятлар давоми билан танишасиз.

**Наим КАРИМОВ,**
**академик**



# «ШАҲИНА» ИСМИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Жаҳон адабиёти хазинасида шундай шеърий дурдоналар борки, улар турли даврларда яшаган улуғ шоирларнинг оний ёки бир умрлик муҳаббатларини ўзида муҳрлагани билан диққат-эътиборга сазовор. Агар Франческо Петрарканинг қарийб барча сонетлари ёзилишига сабабчи бўлган ва буюк итальян шоирини бир умрга ром этган аёлнинг исми Лаура бўлса, қорачадан келган, буғдойранг аёл эса Уильям Шекспир сонетларининг асосий қаҳрамони. Бу аёл бирор юқори мартабали кишининг рафиқаси бўлса керакки, "Отелло" муаллифи унинг асл исмини бирор сонетида тилга олмаган.

Жаҳон лирик шеъриятида шундай ишқий шеърлар борки, улар муайян бир аёлга бағишлангани учун — шу аёлнинг исми тилга олинганми ё йўқми, бундан қатъий назар — тадқиқотчилар шоир қалбини забт этган дилрабо исмини топмасдан тинчимаганлар. Шундай шеърлардан бири рус шоири Сергей Есениннинг "Шаганэ ты моя, Шаганэ!.." сатри билан бошланган гўзал шеъридир.

Агар Осиё Европа шоир ва ёзувчиларини XIX асрнинг иккинчи ярмида қизиқтира бошлаган бўлса, бу жараён XX асрнинг йигирманчи йилларидаги рус адабиётида, айниқса, авж олган. Жумладан, форс мумтоз шеърияти билан танишган С.Есенинда Эронга бориш, форс шоирлари илоҳийлаштирган париваш форс қизларини кўриш орзусини уйғотди. Лекин шу пайтда ичкилик енгиб қўйган шоирнинг Эронга бориши амри маҳол эди. Шунинг учун ҳам дўстлари Есенинни Грузия ва Озарбайжонга олиб бориб, "Ана сенга Эрон! Ана сенга форс қизлари!" деб уни Эронга келганига астойдил ишонтирдилар. Шундай кунларнинг бирида Есенин "Шаганэ ты моя, Шаганэ!.." деган машҳур шеърини ёзади.

Фожеали ўлимидан кейин номи қатағон қилинган бошқа рус шоир ва ёзувчиларидек, Есенин ҳам узоқ вақт унутилиб келди. Унинг асарларини ҳам ўқиш ман этилди. Есенин Сталиннинг ўлимидан кейингина оқланиб, асарлари чоп этила бошлади. Есениншуносларнинг янги авлоди Шаганэнинг ким бўлганлиги ҳақида баҳслаша бошлади. Ҳатто йигирманчи йилларда қайсидир журнал муҳаррири бўлиб ишлаган Чагин ўзини Есениннинг дўсти, "Шаганэ" исми эса "Чагин"нинг эркаланиб айтилган нусхаси, деб чиқди. Лекин кўп ўтмай, Шаганэнинг ўзи топилди. Шаганэ Несесовна Тальян (1900) ўша пайтда Ботумидаги мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлаган қиз экан. Есенин у билан танишганининг учинчи куни мазкур шеър қўлёзмасини унга ҳадя қилган экан. Машҳур рус шоирининг машҳур шеъри шу тарзда майдонга келган.

1924 йили ёзилган ва С.Есениннинг "Персидские мотивы" шеърий туркумига кирган шеър бундай сатрлар билан бошланган:

**Шаганэ ты моя, Шаганэ!**
**Потому, что я с Севера что ли,**
**Я готов рассказать тебе поле,**
**Про волнистую рожь при луне,**
**Шаганэ ты моя, Шаганэ!..**

Соцреализм байроғи остида ривожланиб бораётган рус ва ўзбек адабиётидаги шеърларга асло ўхшамаган бу шеър, умуман, С.Есениннинг "Персидские мотивы" туркумига кирган барча шеърлари Эркин Воҳидов сингари янги адабий авлод вакилларини мудроқ ҳолатдан уйғотиб юборди. У туркум номининг ўзбекона ифодасини топиб, уни "Форс тароналари" деб атади ва биз тилга олган шеърни ўзбек тилига қойилмақом қилиб таржима қилди.

Э.Воҳидов ана шу жараёнда мураккаб бир муаммога дуч келди. Гап шундаки, Петрарканинг Лаураси исмини таржимада бирор ўзбекона исм билан аташ мумкин бўлмаганидек, Э.Воҳидовда ҳам "Шаганэ" исмини ўзгартириш ҳуқуқи мутлақо йўқ эди. Шундай экан, "Шаганэ" исми икки марта такрорланган биринчи сатрни қандай таржима қилиш керак? "Шаганэ, Шаганэ, менинг Шаганем" дебми ёки "Шаганэ, Шаганэ, менинг Шаганам..." дебми?..

Хуллас, шеър бағишланган маҳбуба исмининг бошқа бир нусхасини топишдан ўзга илож йўқ эди. Аммо бу исм шундай бўлиши лозим эдики, у аввало Есенин учун азиз ва ҳатто илоҳийлашган исм бўлиши керак эди. Э.Воҳидов шеърнинг бир неча қора қўлёзмаларини йиртиб ташлаганидан сўнг бир тўхтамга келиб, ёзди:

**Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,**
**Билсанг Шимол ватандир менга.**
**Далалардан сўйлайми сенга,**
**Ой нур сепган бошоқлардан ҳам.**
**Шаҳинам, о менинг Шаҳинам.**

Қандай гўзал таржима! Есенин шеърининг нафис музикаси ҳам, мазмун ва моҳияти ҳам тўла сақланган эди бу таржимада. Таржимон ҳатто ўзбек тилида бўлмаган "шахиня" сўзининг ўзбекча нусхасини ҳам яратган эдики, ҳатто Есениннинг "Шаҳина" эмас, Шаганэга ошиқи беқарор бўлгани ҳеч кимнинг эсига ҳам келмади. Шу шеър баҳона "шаҳиня" сўзи ўзбек адабий тилидан "Шаҳина" тарзида жой олди.

# ПАРИВАШ ҚИЗЛАР ОБРАЗИ

Мумтоз шоирлар ижодида шундай латиф лирик шеърлар бор ва кўпки, уларсиз жаҳон шеърияти чаманзори ўзининг турфа рангларини йўқотган ва бу шеърлар таратган хушбўй ифорлардан асар ҳам қолмаган бўларди.

Шундай шеърлардан бири А.С.Пушкиннинг "К..."га бағишланган ва "Я помню чудное мгновенье" сатри билан бошланган буюк шеъридир.

Одатда илоҳий илҳом билан ёзилган шеърлар тўрт банддан иборат бўлади. Аммо "К..."нинг Пушкин қалбида уйғотган муҳаббат тўлқинлари шу қадар кучли бўлганки, ҳатто улуғ рус шоири орадан бир неча йил ўтганидан кейин яна Уни кўриш сururига эришганида шоирнинг қулга айланиб улгурмаган туйғулари яна аввалгидек чарақлаб, бутун оламни алвон рангли мушаклари билан тўлдириб юборади.

Мана, ўша сатрлар:

**Душе настало пробужденье:**
**И вот опять явилась ты.**
**Как мимолётное виденье,**
**Как гений чистой красоты…**

**И сердце бьется в упоенье,**
**И для него воскресли вновь**
**И божество, и вдохновенье,**
**И жизнь, и слёзы, и любовь.**

Пушкин ҳаётининг жўшқин саҳифалари мутахассислар томонидан синчковлик билан ўрганилганидан кейин шу нарса равшан бўлдики, бу сатрларда абадиятини топган паривашнинг исм-шарифи Анна Петровна Керн (1800-1879) экан. У Михайловский қишлоғи билан туташган Тригорск овулида яшаган П.А.Осипова исмли помешчик аёлнинг жияни экан. У 1825 йил ёзида шу ерда меҳмон бўлган ва шу ерда Пушкин билан мунтазам равишда учрашиб турган. Пушкиннинг Анна Петровнага бағишланган машҳур шеърининг қўлёзмаси у Тригорскдан кетаётган 19 июлда унга ҳадя қилинган. Пушкин кейин ҳам Анна Петровна билан хат ёзишиб турган.

Пушкин лирикасининг бу порлоқ намунасини ўзбек тилига бир неча шоирлар, шу жумладан, Зулфия ҳам таржима қилган. Пушкин шеърининг сўнгги икки банди Зулфия таржимасида бундай жаранглайди:

**Мана, қалбга ошно бўлди най,**
**Кўз олдимда бўлдинг намоён.**
**Гўзалликнинг соф парисидай**
**Бир лаҳзалик ажиб тушсимон.**

**Руҳим яна уйғонди бу дам,**
**Яна унда тирилди нажот:**
**Яна дилда Худо ва илҳом.**
**Кўз ёшию муҳаббат, ҳаёт.**

Ҳар бир сатридан нафақат аниқ фикр ва туйғулар, балки нафис музика ҳам таралиб турган бу шеърни ўзга тилга таржима қилиш осон эмас. Зулфиянинг ҳам бу шеърни ўзбекона наволарга солишда қийналгани сезилиб турибди.

Шундай ишқий-поэтик тафаккур намуналари ўзбек мумтоз ва замонавий шеъриятида ҳам оз эмас. Аммо Навоийдан бошлаб Фурқатгача бўлган ўзбек шоирлари жозибадор аёллар исмини ошкор қилишни мусулмон олами этикасига зид деб ҳисоблаганлар. Акс ҳолда:

**Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,**
**Кўзлари масҳуру юз жоду эрур тасхирда —**

байти билан бошланган ғазалдаги оймомодек гўзал сиймонинг кимлиги авлодларга маълум бўлган ва улар бу париваш образининг бошқа қирраларини ҳам нурлантириб юборган бўлармидилар. Бу сиймони иттифоқо Кашмир шаҳрида кўрган ва унинг бетакрор гўзаллигидан ҳайратга тушган Фурқат эса унинг образини мумтоз ўзбек шеъриятига хос поэтик усул ва воситалар билан яратишга муваффақ бўлган.

Аммо қарийб шундай руҳий ҳолатни бошидан кечирган Чўлпон "Гўзал" (1919) сингари шеърларини ёза бошлаганида ўзбек шеъриятидаги поэтик тафаккур воситалари ўзига ўхшаган пешқадам жадидлар туфайли янгилана бошлаган эди. Шу ҳол Чўлпон тасвиридаги Гўзалнинг реалистик образ даражасига кўтарилишида муҳим роль ўйнаган.

Ҳаёти мушкул ва мудҳиш воқеалар гирдобида кечган Чўлпон учун 1919 йил февралининг бир куни бахтли кун бўлган. Чўлпон шу куни "Гўзал" шеърий дурдонасини яратган. Бу шеър бўғиқ муҳитда яратилгани учун айрим адабиётшунослар "ойдан-да гўзал, тундан-да гўзал" Аёл образида шоир Мустақилликни, Эрк ва ҳурриятни тасвирлаган, деб чиқдилар. Ҳолбуки, бу шеър ёзилган вақтда ҳали ўзбек шеъриятига рамзий образлар силсиласи кириб улгурмаган эди. Аёл зотига хос гўзалликни, айниқса, қадрлаган ва илоҳийлаштирган Чўлпоннинг бу шеъри, Фурқат шеъридек, ҳусн ва малоҳат бобида тенгсиз аёл билан оний учрашув таъсирида ёзилган.

Журналист Темур Убайдулло Чўлпоннинг севимли шогирдларидан бири Ғайратий билан суҳбатлашганида кекса шоир устози ҳақидаги хотираларини айтиб, бундай деган экан:

"— Чўлпон дам олишда эди. Мен уни кўргани бордим. Ниҳоятда бағрикенг инсон эди Абдуҳамид ака.

— Келдингми, Ғайратий? — деди шоир. Негадир у беҳаловат, кўзи чақноқ эди. – Йўлда кимни кўрдинг?

— Бир қизни, — дедим. Рости ҳам бир офатижон келиб эди.

— Қани, таърифла-чи?

Мен жуда илҳом билан таърифладим.

— Ой, — деди Чўлпон, — бўлди. Ғайрат, бўлди.

САНЪАТ ФИДОЙИЛАРИ

*Ҳар бир инсоннинг бирор-бир соҳада қобилиятли бўлишини мутахассислар эътироф этишади. Аммо шу иқтидорни юзага чиқариш учун сабр-тоқат, илм ва ғайрат ҳам керак. “Дугоналар”, “Яхши кайфият”, “Табассум” радиожурналларида бошловчилик қилган, “Оловли йўллар”, “Ёлғиз ёдгорим”, “Ой бориб, омон қайт” фильмларида суратга тушган, “Ишдаги ишқ”, “Омад кулиб боққанда”, “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” каби юзлаб фильмлар дубляжида иштирок этган жозибали овоз соҳибаси Мукамбар Раҳимова ана шундай ғайратли инсонлар сирасидан. Устоз билан суҳбатимиз, асосан, дубляж ва кино санъати мавзусида бўлди.*



***Суратда:** Дубляж санъати усталари*

# ДУБЛЯЖ — МУРАККАБ САНЪАТ

**— Кино тили билан айтганда, ҳар бир актёрнинг ўз амплуаси бўлади. Табиийки, режиссёр шу жиҳатга эътибор қаратган ҳолда актёр танлайди. Бу дубляж учун қанчалик аҳамиятли?**

— Ахир, бу дубляжнинг юраги-ку. Энг муҳим ва керакли жиҳатларидан бири ҳам овоз бераётган актёр экрандаги қаҳрамонга ҳар томонлама мос тушиши лозимлиги. Шундагина томошабин у овоз берган қаҳрамонни ижобий қабул қилади. Айнан шунинг учун ҳам дубляжга индивидуал соҳа сифатида қаралади. Масалан, актёрнинг истеъдоди кенг қамровли бўлса, тўрт ёшли боланинг овозидан тортиб, саксон ёшли қариянинг овозигача ўхшатиб бера олади. Кўпчиликнинг имкониятлари бу борада чегараланган бўлади, фақат ўз ёшидаги қаҳрамонга овоз беришдан нарига ўта олмайди. Дубляжнинг яна бир нозик томони шундаки, лирик кайфиятли айрим актёрлардан асло характерли қаҳрамонга овоз беришни талаб қилиб бўлмайди.

**— Бугун дубляжга қизиқадиган ёшлар жуда кўп. Соҳани эгаллаш мақсадида кимларнингдир этагидан тутаётганлар ҳам талайгина. Аммо нима учундир бу соҳада элнинг эътирофига ва эътиборига сазовор бўлаётганлар саноқли?**

— Биласиз, ишқ бошқа, ҳавас бошқа. Қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, биров ўз ишига астойдил ёниб киришади, бошқаси шунчаки ҳою ҳавас билан қарайди. Қолаверса, дубляж чинакам фидойиликни талаб қилади. Фақат дубляжнинг эмас, умуман бирор-бир соҳанинг этагидан тутиб, ҳақиқий мутахассис бўлиб халқнинг эътиборига тушиш учун орзу-ҳаваснинг ўзи камлик қилади. Бу учун тинмай изланиш, ўқиб-ўрганиш, баъзан тунларни кунларга улаб мижжа қоқмай ишлаш лозим. Машаққатларга дош бериш учун эса одамда касбига нисбатан чинакам муҳаббат бўлиши керак. Ҳаётий кузатишларимдан келиб чиқиб ишонч билан айта оламан, ҳеч бир нарсага шунчаки қараб бўлмайди. Эй майли, бўлаверади, деган тушунча шаклландими, бундай кишидан етуклик кутманг.

**— Санъатга энди кириб келаётганлар дубляж осон, деб ўйлашади. Аммо, аслини олганда, дубляж кинода суратга тушишдан мураккаброқ, тўғрими?**

— Дубляж ҳам қийин, ҳам жиддий соҳа. Микрофоннинг олдига ўтирганингиздан кейин ортиқча нарсалардан тийиласиз. Сиз кўчада, уйда, ишхонангизда содир бўлган, бўлаётган ёки бўладиган муаммоларга чалғимаслигингиз лозим. Бу сиз билан ишлаётган ишчи гуруҳни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Мана шу кўз илғамас жиҳатларни ҳисобга олиб, бутун борлиғингиз экрандаги жараён билан банд бўлиши керак. Шундагина қаҳрамонингизнинг хатти-ҳаракатларига монанд таржима, яъни дубляж табиий, ҳаётий чиқади. Раҳматли Обид Юнусов қўшни хонада латифа айтиб, хуш кайфиятда барча билан чақчақлашиб ўтирганига қарамай, режиссёр чақириши билан ҳамиша жиддий ҳолатда барчага салом бериб кириб келарди. Бу шундай жараёнки, гўё сочилиб кетган суякларни бир ерга йиғиб, унга қайта жон ато этишдай гап.

**— Бугунги кунда бадиий фильмлар, сериаллар дубляжи савиясига муносабатингиз қандай?**

— Бу саволга очиқ жавоб беришимга тўғри келади. Чунки бугунги дубляжнинг савияси бироз эмас, анчагина тушган. Бунинг энг асосий сабабини шу соҳада фаолият юритаётганларнинг билим даражаси пастлиги, қилаётган ишида амалий малака ва кўникманинг етишмаслигида, деб биламан. Сериаллардаги шевабозлик, адабий тил меъёрларига амал қилинмаётганининг яна бир сабаби, бугун хусусий телеканалларнинг кўпаяётгани ва улардаги эфир вақтини доимий тўлдиришга бўлган талабдир. Гап гапни очади, дейдилар. Яқинда бир режиссёр билан суҳбатлашиб қолдим. “Фильм олгандим, шунинг дубляжи устида ишлаяпман”, деди. Мен ундан: “Фильмни бошқа тилда олдингизми?” деб сўрадим. У: “Йўқ, ўзбек тилида”, деб жавоб берди. “Нега унда дубляж дейсиз? Ахир, дубляж бу — дубликат, нусха, бошқа тилдан бошқа бир тилга ўгириш-ку, — дедим унга. — Сиз айтган нарса — овозлаштириш. Яъни русчада “озвучка”, “тонировка” дейилади. Фильмга тон бериш, овозларни эпизодларда бир-бирига мослаштириш жараёни бу. Чунки фильм ҳар хил шароитда суратга олинган бўлади. Бир жойи ўчиб кетади, бошқа бир жойида овоз жуда баланд бўлиб қолади. Ёки роль ўйнаётган актёр адашади, баъзан сценарий бўйича сўзламасдан, умуман бошқа гапни гапириб юборади. Ана шуларнинг барчасини қолипга солишни, юқорида айтганимиздай, овозлаштириш дейилади. Буларнинг фарқли ва ўхшаш томонларини яхшилаб ўзлаштириб олсангиз, келажакда сиз учун фойдадан холи бўлмайди”, дея маслаҳатлар бердим. Қиссадан ҳисса шуки, сўнгги пайтда илм, малака, кўникманинг оқсаётгани яққол кўзга ташланиб қоляпти. Бу ҳолат нималарга олиб келаётгани барчамизга кундай равшан.

**— Кино соҳасидаги, дубляждаги билимларингиз, бой тажрибангиз билан ёшларга билим бериб, шогирдлар тайёрлашга нима дейсиз?**

— Мен бундай таклифни рад қилардим. Негаки, табиатимда бироз кескинлик, тўғрисўзлик бор. Бугунги ёшларнинг эса ўз қарашлари, ўз ҳақиқатлари мавжуд. Улар шиддаткор замон билан ҳамнафас қадам ташлаяпти. Бугун дунёқараш, онг, тушунчалар ўн беш-йигирма йил аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Тўғри сўзни очиқ-ойдин айтган инсон, ўзингизга маълум, кўпчиликка ёқавермайди. Балки бу ҳам ўзимни, ҳам ўзгаларни аяшнинг маъқул йўлидир.

Бироқ кимдир ёрдам сўраб келса, ҳеч қачон кўксидан итармаганман. Доимо қўлимдан келганича ёрдам қилиб, тўғри маслаҳатлар беришдан чарчамайман. Чунки биз ҳам кимларнингдир маслаҳатлари, насиҳатлари билан, беҳисоб шукр, шу ергача етиб келдик.

**Шуҳратбек ИСЛОМОВ**
**суҳбатлашди.**

ТАҚДИМОТ

*Ўзбекистон Кинематография агентлигида “Матонат” ҳужжатли фильмининг ўзбек ва рус тилларида премьераси бўлиб ўтди.*

# «МАТОНАТ»

Премьерадан олдин бўлиб ўтган тадбирни киношунос-журналист Шоира Рауфбоева олиб борди. Тадбирда сўзга чиққан агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Ризаев, фильм режиссёри Шуҳрат Маҳмудов, Россия элчихонасининг Ўзбекистондаги муваққат ишончли вакили Владимир Митрофанов, Киноарбоблар ижодий уюшмаси раиси Матёқуб Матжонов, “Ҳужжатли ва хроникал фильмлар студияси” ДУК директори Баҳодир Одилов ва бошқалар сўзга чиқиб, ижодкорлар ҳамда мухлисларни янги асар билан кутладилар.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, Ғалабага муносиб ҳисса қўшган, Голландиянинг Амерсфорт концлагерларида ҳалок бўлган 101та ўзбек аскарининг аянчли тақдиридан ҳикоя қилувчи ушбу фильм Кинематография агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида суратга олинган.



Фильмни яратиш жараёнида режиссёр Иккинчи жаҳон урушининг мудҳиш воқеалари билан яқинроқ танишишга, имкон қадар кўпроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилгани томоша жараёнида яққол намоён бўлиб турди. Фильмда урушда асир тушган ўзбек ўғлонларининг Ватан учун жонини мардларча фидо қилгани, уларнинг она юртига соғинчи, ҳаётдан умиди, чеккан изтироблари акс этган. Биргина кадрни олайлик: мозордаги қабрлардан бирида 101 рақами кўринади ва бундай рақамлар атрофда юзларча эди. Эҳтимол, баъзилар учун бу оддий бир кадрдек ўтиб кетиши мумкин, бироқ бунинг негизида даҳшатли ҳолатларда нобуд қилинган минглаб инсонларнинг тақдири ётибди.

Айниқса, воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, асирларнинг қийноқдаги ҳаётларидан хабардор бўлган шахсларнинг экран орқали кўрганларини сўзлаб бериши фильм ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилган. Воқеаларнинг гувоҳи бўлган кишилар тилга олган фактларни эшитган томошабинларнинг кўзларига ёш қалқди. Тақдимотда қатнашган ҳеч бир одам экранда жонланаётган кадрларга бефарқ қолмади.

Режиссёр фильмнинг рамзий ифодавийлигига, поэтик муҳитига, тасвирий жиҳатдан бир маромдаги услубий тузилишига катта эътибор қаратган. Бу борада кинооператорлар Рифқат Ибрагимов, Рустам Магадиев, рассом Бектош Ражабов, либос рассоми Элвира Миндибаева, гримчи рассом Наталья Раҳматуллаеванинг ижодий изланишлари ўз самарасини берган. Постановка усулида тасвирланган уруш манзаралари ва қаҳрамонлар кўринишлари хроникал архив материаллари билан уйғунлашиб кетган. Матн, овоз, шовқинлар ва ёзилган мусиқий композициялар фильмнинг бадиияти ва томошавийлигига хизмат қилиши учун монтажчи Шаҳриёр Исмоилов, овоз режиссёри Шоислом Ҳусанов ҳамда бастакор Дмитрий Янов-Яновский катта ижодий меҳнатни амалга оширишган. Сценарий муаллифи Розиқа Мергенбаева режиссёр билан том маънода ижодий ҳамкорлик қилиб, барча жараёнларда фаол иштирок этиши киноасарнинг бадиий-эстетик қиммати юксалишига хизмат қилган. “Матонат” ҳужжатли фильми томошабинга нафақат даҳшатли уруш воқеаларини яна бир бор эслатади, балки бугунги тинчликнинг қадрига етишга даъват этади.

**Камолиддин ИСМОИЛОВ**

АДАБИЙ ЭТЮДЛАР

Кейин ўтириб, шу шеърни ёзди. Ёпирай, нақ гўзални мен эмас, у кўргандек таърифлаганки! Ўзи шеър пишиб турган экан-у, менинг гапим туртки бўлибди”.

Журналистнинг ёзишича, “Ғайратий қўшиб қўйибди: — Энди билсам, Чўлпон ёниб куйлаган гўзал Ҳаёт экан! Чўлпон Гўзал Ҳаёт ошиғи экан”.

Убайдулла ёшлик йилларида эшитган бу хотирани анча кейин эслагани ва Чўлпон сўзларига журналистларга хос ортиқча безак қўшгани учун шу воқеага доир бошқа бир хотирани ҳам келтириш жоиздир.

Ғайратийнинг иниси Анвар Абдулланинг матбуотда эълон қилинган хотирасида бундай сўзлар ёзилган:

“— Фарғона кўчаларидан кетаётган эдик, деган эди акам. Тўсатдан Чўлпон мени имлаб, ёнимиздан ўтаётган бир қизни кўрсатди.

Биз меҳмонхонага келгач, Чўлпон хаёл суриб ўлтирар, нимадандир маҳзун кўринар эди. Мен: “Нега хафасиз?” – деб сўрадим.

Чўлпон:

— Бояги қизга! – деди.

Мен:

— Бир нарса дедими?

Чўлпон:

— Бир нарса деса, йиғлармидим!

— Нега бўлмаса хафасиз?

Чўлпон:

— Унинг гўзаллигини тасаввуримга сиғдиролмай ҳайронман! – деди.

— Чўлпон ана шундай кўнгли бўш, беғубор шоир эди, — деб қўшиб қўйди домла...”.

Чўлпон лирикасининг бебаҳо гавҳарларидан бири шундай дунёга келган. Бундан юз йилдан зиёдроқ вақт илгари туғилган, замонавий рангин бадиий тили билан ҳам, поэтик тасвир усули ва мукаммал ишланган образлари билан ҳам, китобхонларга бадиий завқ ва илҳом берадиган композицияси билан ҳам худди бугун яратилгандек яшнаб, камалак нурлари билан товланиб туради.

Ҳолбуки, у оний висол лаҳзасидан олинган таассурот мевасидир.

## ОЙ ОБРАЗИНИНГ ЯНА БИР ВАЗИФАСИ

Ойбек шеърий ижодида ой образига кўп мурожаат этган. Шунга қарамай, бу образ унинг шеърларида қарийб ҳар сафар янги-янги бадиий вазифаларни бажарган.

Мана, баъзи бир мисоллар:

**Ой нури мавжланиб титрайди,**
**Баргларга киради ширин тил.**
*(“Юрамен, тошади севинчим...”)*

**— Оймўма қизлар экан,**
**Худойим ёрлақоса...**
*(“Шоирнинг болалиги”)*

**Тепалардан ойнинг кумуши**
**Мўралайди қувноқ сайилга.**
*(“Каналда”)*

**Юмалайди ой ҳам тепадан,**
**Кўнгиллар то ичдан силкинди.**
*(“Каналда”)*

**Ойда минг йил чигаллари ҳал...**
*(“Каналда”)*

**Салом, эй ой,**
**Мунгли эски дўст!..**
*(“Салом, эй ой...”)*

**Мажҳул саҳродамен,**
**Ой, бўл пир ва эш...**
*(“Салом, эй ой...”)*

**Самода сирғалур ошнам – мунгли ой,**
**Бизнинг бошимизда у-да ҳамсуҳбат.**
*(“Самода сирғалур...”)*

Бу мисолларнинг барчасида ой шунчаки оддий самовий жисм, ҳатто шоирлар қалбини романтик туйғулар билан аллаловчи “модари юлдузлар” эмас, балки арши аълода яшаётганига қарамай, Ерда яшовчилар билан, айниқса, лирик қаҳрамон билан доимий алоқада бўлган, улар ҳаётини нурафшон этган мавжудотдир. Ойбек ҳатто уни “мунгли эски дўст” сифатида ўзига яқин олади, ундан пир ва эш бўлишни сўраб ёлборади. Сўнгги мисолда эса “мунгли ой”нинг ўзига, замондошларига ҳамсуҳбат бўлганини айтади. У “мунгли ой” деганда, 1937 — 1938 йиллардаги фожеаларни, эллигинчи йиллар аввалидаги қатағон даҳшатларини кўравериб, кўнгли мунгга тўлган ой билан қилган ғойибона суҳбатларини эслагандек бўлади.

Ойбек шундай воқеалар туфайли 1951 йил 16 апрелда инсультга дучор бўлган, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби улуғ ёзувчиларнинг бошига етган ҳасад қиличи эллигинчи йилларда ҳам синмаган эди. Ойбекдек алпқомат ёзувчининг юраги бундай хуружларга, қуруқ туҳматларга дош бера олмай, оғир хасталикка йўлиқди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Ойбек турли мамлакатлар ва касалхоналарда даволаниб, секин-аста юра бошлади.

**Хастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб –**
**Ой менга ҳамқадам – аста юрамен.**
**Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,**
**Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.**

**Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,**
**Бошимда ой борур, менга ҳамқадам.**
**Хаёллар учади машъалдай ёниб,**
**Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам...**

Бу сатрлар Ойбекнинг ўзи яшаган даҳадаги кўм-кўк хиёбонда, чақноқ юлдузлар остида, бир чети уйлар, иккинчи чети эса дарахтлар билан иҳоталанган йўлкада юрган кезларида унинг лабларидан учиб чиқа бошлаган.

Агар ой аввал келтирилган мисолда адибнинг суҳбатдоши сифатида намоён бўлган бўлса, бу шеърда у хаста Ойбекнинг ҳамқадами сифатида жамол кўрсатиб туради. Ўзбек тилида “ҳам” аффикси ёрдамида *ҳамдам, ҳамдўст, ҳамкасб, ҳамкор, ҳамнафас, ҳамроз, ҳамроҳ, ҳамсоя, ҳамсуҳбат, ҳамшаҳар* сингари сўзлар тузилган ва улар ўзбек тили луғатидан ўрин олган бўлса, *ҳамқадам* сўзини бирорта луғатда учрата олмайсиз. Бу ҳол унинг пассив сўз эканлигидан дарак беради. Аммо Ойбек шу пассив сўздан шундай ўринли фойдаланганки, юқорида келтирилган сатрларда у бажарган бадиий вазифани бошқа бирор сўз бажара олмасди.

Агар сиз ҳам, ҳурматли газетхон, ёз ва куз ойларида шундай ҳолатни бошдан кечирган бўлсангиз, осмондаги ойнинг сиз билан баравар ҳаракат қилганини, сизга ҳамқадам бўлганини эсласангиз керак. Ой билан бутун ижодий умри давомида дўст бўлган Ойбек хасталик кунларида ойнинг яна бир бадиий қиррасини кашф этди: бу ой образининг инсонга ҳамқадам, вафодор дўст ва улфат бўлишдек муҳим инсоний фазилатидир.

## УЛУҒБЕК-ШАЙХЗОДА ВАСИЯТИ

Шарқда яшаб, ўз давлатининг қудратига қудрат, шуҳратига шуҳрат қўшган улуғ подшолар орасида Улуғбекдек адолатсизлик, разиллик ва хоинликни кўриб, бу дунёга келганига минг бор пушаймон бўлган бошқа подшо бўлмаса керак. Мақсуд Шайхзода Улуғбекнинг ўта фожеали ҳаётини яхши билгани учун у ҳақида шекспирона кўламдаги “Мирзо Улуғбек” трагедиясини ёзган. Биз бу асарни ўқир ёки театр залида томоша қилар эканмиз, Шайхзоданинг улуғ ўтмишдоши ҳаётини, айниқса, фожеали тақдирини ўз юрагидан ўтказиб тасвир этганидан ҳайратга тушамиз. Аслида Шайхзоданинг ҳаёти ҳам Улуғбек ҳаётидан кескин фарқ қилмайди. Унинг юрагига ҳам адолатсизлик, разиллик ва хоинликнинг барча найзаларини санчиб, унга, Сакинахоним ўксинганидек, 60 ёшлик юбилейини кўриш имконини беришмаган. У дўст деб ўйлаган, у шогирд деб ўйлаган, у гўзаллиги учун қадаҳ кўтарган замондошлари унга хоинлик қилишган. Шайхзоданинг тирноғига ҳам арзимайдиган НКВД ходимлари, Сибирь лагерларидаги инсоний қиёфасини йўқотган жаллодлар уни истаганларича хўрлаб, унга истаганларича азоб берганлар. Шу маънода уни, балки Улуғбек билан тақдирдош бўлган, дейишимиз мумкиндир.

Одатда драматурглар юракларини эзиб турган аламларини асарларидаги қаҳрамонлар образи орқали ифодалаб, хумордан чиқадилар. Шу имкониятдан Шайхзода ҳам “Мирзо Улуғбек” трагедиясида фойдаланган бўлиши мумкин. Аммо бизнинг ушбу этюдни ёзишдан мақсадимиз унинг хоинлар, муттаҳамлар, каллакесарлар билан бир дунёда яшаётган замондошларига ўзи ёки Улуғбек оғзидан айтиб, ёзиб қолдириши мумкин бўлган васиятидир.

Беш пардали “тарихий фожеа”нинг бешинчи пардасида оқпадар Абдуллатифнинг маҳрами Аббос занжирбанд Улуғбекка васият айтишни буюради. Улуғбек унга жавобан дейди:

**Васиятим, васиятим! Ким ҳам эшитгай,**
**Мулким йўқки, бировларга мерос қолдирсам,**
**Хазинам йўқ, бировини бойитиб қўйсам...**

Сўнг дафъатан ёдига тушиб қолгандек, давом этиб, дейди:

**Меросимдир китобларим ва жадвалларим.**
**Бир мероски, замон уни маҳв этолмайди,**
**Бир мероски, ворислари бу ватан аҳли,**
**Бир мероски, баҳра топар ундан ер юзи...**

Улуғбек шу пайт сўнгги сўзларини Аббос ва унинг сипоҳларидан бошқа ҳеч ким эшитмаётганини, ёзиб қолдирмоққа эса қўли бойлоғлик эканини эслаб, “васият”ни давом эттирмайди.

Лекин Шайхзода асар композициясини шундай қурган эдики, биз унинг подшо ва олим сифатида қилган ишлари билан ҳам, ҳатто васияти билан ҳам биринчи пардадаёқ танишган эдик. Аммо бу мусулмон оламида қабул қилинган анъанавий васият эмас эди. Улуғбек ҳаёти тажрибаларини, ҳатто устоз Қозизоданинг қўлларини ўпганида, бобосининг унга танбеҳ бериб: “Эркак қўлин, Афлотун ҳам бўлса у киши, Шаҳзодалар ўпмоқлиги буткул ножўя, Дунё сенинг оёғингни ўпмоғи лозим!” деган сўзларини эслайди. Амир Темур сабоқларини юрагига жо қилган Улуғбек: “Инсонларга айтиб турдим: боққин самога, Қанча тоза ва мусаффо, фараҳбахш, зебо”, деб унга табиат билан инсон ўртасидаги муносабатнинг шу олтин калитини кўрсатганини айтади ва шундан кейин ҳайқириб дейди:

**Эй одамзод, ибрат олгин юлдузлардан сен**
**Хайрихоҳлик ва баландлик хислатларидан.**
**Шалтоқларга ағнамагин, кўтарил, юксал,**
**Сўқир бахтдан кўрар кўзли бахтсизлик афзал...**

Шу сўзлардан кейин Улуғбек “зеҳнларга нур уруғин сепгани”ни айтиб, яна бошқа “ария”га ўтиб кетади.

Юқоридаги уч-тўрт сатрда Улуғбекнинг васияти тўла ифодаланганми? Йўқ, албатта. Шайхзода Улуғбек образига кириб, унинг одамзодга қаратилган васиятини айта бошлаши билан, назаримизда, кўзлари ёшланиб кетади. Шайхзоданинг қўли шу сўзларни ёзаётганида НКВД ертўласида кўрган азоблари кўз олдидан ўтиб, нафаси тиқилиб қолади. Кейин у “васият”ни кенгайтиришга қанчалик уринмасин, кўнгли каршилик кўрсатади.

Аслида Шайхзода дилидаги гапни айтиб улгурган эди. Одамзоднинг манфур қисми Улуғбек даврида шалтоқларга қандай ағанаган бўлса, Шайхзода замонида ҳам ўша шалтоқлардан ҳали кўтарила олмаган эди. Шунинг учун ҳам Улуғбек-Шайхзоданинг “васияти”, назаримизда, тўмтоқ бўлиб қолган.

## ГАЛЕРЕЯ: Рассом Гулнора Раҳмонова ижодидан намуналар


Онам портрети (1990).


Хумсонда баҳор (2011).


Онам учун боғ (2018).


Ариқ бўйида (2017).

# ЗОМИН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА



Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Бу йилги семинарда санъатнинг бошқа турларида фаол ижод қилиб келаётган ёш ижодкорлар ҳам иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Ҳамкор ташкилотлар – Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси томонидан тавсия этилган тўққиз нафар истеъдодли ёш – анъанавий қўшиқ ижрочилари, бастакорлар, кинематография соҳаси ижодкорлари, рассомларнинг иштироки кўзда тутилган.

Анжуманда бадиий адабиётнинг назм, наср, драматургия, бадиий публицистика, бадиий таржима, болалар адабиёти, адабий танқид йўналишлари бўйича шўъбаларга бўлинган ҳолда маҳорат дарслари олиб борилади. Иштирокчиларнинг асарларини саралаш ва улар учун маҳорат сабоқларини ташкил этиш мақсадида ўттиз беш нафар таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлардан иборат ишчи гуруҳ ташкил қилинган.

Ҳакамлар ҳайъати таркибида Усмон Азим, Эркин Аъзам, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Хуршид Дўстмуҳаммад, Қозоқбой Йўлдошев, Эшқобил Шукур, Шуҳрат Ризаев, Умида Абдуазимова, Мунаввара Усмонова, Хосият Рустамова, Исажон Султон, Шойим Бўтаев, Салим Ашур, Ориф Тўхташ каби таниқли шоир ва ёзувчилар фаолият олиб боради.

Семинар давомида ёш ижодкорлар ва устоз адиблар иштирокида адабий суҳбатлар, мушоиралар ўтказилиши, ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиши режалаштирилган. Умид қиламизки, семинар доирасида турли соҳада иқтидорли ёш ижодкорларнинг ҳамкорлиги бадиий ижод, рассомлик, қўшиқчилик, кино ва бошқа соҳаларда яхши, мазмунли асарлар яралишига замин бўлади.

Семинарни адабиёт ва китобхонлик байрами сифатида юқори савияда ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, “Дўстлар клуби” доирасида “Халқ банки” маъмурияти вакилларининг ҳам семинарда қатнашиши режалаштирилган.

Ёш истеъдод эгаларини кашф қилиш, уларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, устоз-шогирдлик анъаналарини йўлга қўйиш мақсадида ўтказилаётган ёш ижодкорларнинг Зомин семинари иштирокчиларда ёрқин таассуротлар қолдириши учун барча чора-тадбирлар кўрилган.

Зомин ҳар доимгидек ёш истеъдодларни ўз бағрига, шу билан бирга қизғин ижодга, катта миллий адабиётимиз майдонига чорлайди.

**Маъмура ЗОҲИДОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўқув-методика бўлими бошлиғи**

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

## ДОИМО МАФТУНКОР...



### АДИБЛАР ХИЁБОНИ

Улуғ ном, улуғ отлар,
Мангу барҳаёт зотлар,
Мозийдан келган хатлар,
Бари қалам деҳқони —
Адиблар хиёбони.

Буюклар ҳайкали бу,
Эзгулик пайкали бу,
Гўзаллик сайқали бу,
Элим деб куйган жони —
Адиблар хиёбони.

Нозик дид, ширин тиллар,
Тоғ ҳам ўрнидан жилар,
Ўчмагай асло номи —
Адиблар хиёбони.

Бобур, Навоий назми,
Абдулла Ориф азми,
Ҳар бири миллат рамзи,
Ўзбегим Ўзлик они —
Адиблар хиёбони.

Бош эгиб султони боз,
Этса шоирин эъзоз,
Айтинг, бу қанчалар соз,
Элимнинг шараф-шони —
Адиблар хиёбони.

### ВАТАН

Бепоён кенгликда ястанган тоғлар,
Адирлар кўксини безаган боғлар,
Аму, Сир мавжларин ўпган қирғоқлар,
Бу менинг Ватаним, севимли юртим.

Минг йиллик тарихга гувоҳ чинорлар,
Қадим обидалар, қадим минорлар,
Бешиклар илинган пойдор чинорлар,
Бу менинг Ватаним, севимли юртим.

Олтинга тенг бўлган бир сиқим тупроқ,
Ҳар битта гиёҳу ҳар битта япроқ,
Яшна деб мангуга қадалган байроқ,
Бу менинг Ватаним, севимли юртим.

Йил бўйи бошида айланган қуёш,
Булоқлар кўзини тавоф қилган тош,
Тошкентча норину андижонча ош,
Бу менинг Ватаним, севимли юртим.

Жаҳон айвонида орзуси улкан,
Доимо мафтункор, доимо кўркам,
Оламни маҳлиё айлаган ўлкам,
Бу менинг Ватаним, севимли юртим.

### СЕНИ ЭСЛАЙМАН

Боғлараро кезганда,
Юракни ғам эзганда,
Ўзни ёлғиз сезганда,
Сени эслайман.

Битмас дунё ташвиши,
Соғинч-айрилиқ ниши,
Ҳар бир ҳол Тангрим иши,
Сени эслайман.

Илк севгим ўртаб ғамда,
Жонни қийнаган дамда,
Бормисан деб оламда,
Сени эслайман.

Билмадим айб кимдан ўтар,
Бир садо берсанг нетар?
Ҳасратдан жоним тутар,
Сени эслайман.

### ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

Табиат қўйнида кезаман яйраб,
Кўнглимдан ўтади ажиб бир ҳислар.
Теграмда қушчалар шодланар сайраб,
Дилимни қитиқлар муаттар ислар.

Ёнимда чайқалса майса ва гуллар,
Олис чўққиларда оппоқ-оппоқ қор.
Сўқмоққа элтувчи илониз йўллар
Ва яна минг йиллик чинорлари бор.

Ҳур ўлкам, ҳуснингга бўлиб маҳлиё,
Кўкдан илиққина кулиб боқар ой.
Томоша қилмоққа шошгандай гўё,
Ҳув баланд дўнгликдан
пастга шўнғир сой.

Табиатнинг сирли инояти-ла,
Булбуллар тилидан тўкилган баёт.
Инсоннинг идроки, меҳнати билан,
Янада гўзалроқ туюлгай ҳаёт.

**Юсуф МАМАДИЕВ**

ТАДБИР

## КИТОБСЕВАРЛАР КЛУБИДА

Китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романида Амир Темур тимсолининг ёритилиши мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни Темурийлар тарихи давлат музейи директори Х.Файзиев очиб берди. Адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Адҳамбек Алимбеков “Сарбадорлар” романининг бадиий хусусиятлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Тўлқин Ҳайит мазкур асардаги тарихий ҳақиқат, Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент Озода Раҳматуллаева “Ёзма манбаларда Сарбадорлар тарихининг ёритилиши” мавзуларида сўзладилар.

Тадбирда тумандаги умумтаълим мактабларининг Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларидан таркиб топган “Китобсеварлар клуби” аъзоларининг тарихий романдан олган таассуротлари ҳам тингланди, бу борада қизғин мунозаралар бўлди. Асар юзасидан туғилган саволларга тарихчи ва адабиётшунослар жавоб беришди.

Таъкидлаш жоизки, тадбир якунида умумтаълим мактабларининг Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Чилонзор туманидаги ҳар бир мактабда “Китобсеварлар клуби”ни ташкил этишни режалаштириб олдилар.

**Умиджон ЮСУПОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА

*“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бунёдкорликка чақирувчи ғояларини халққа, айниқса, ёшларга етказиш мақсадида буюк мутафаккир аждодимиз, мотуридийлик таълимоти асосчиси имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти давомчилари саналган олимлар ҳақида бадиий асарлар яратиш бўйича танлов эълон қилади.*

Танловда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан бир қаторда барча ижодкорлар иштирок этиши мумкин.

Асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ариза билан тақдим этилади.

Тақдим этиладиган асарлар 2 нусхада (электрон варианти билан), компьютерда 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчирилган бўлиши зарур.

Белгиланган тартиб бўйича тақдим этилмаган асарлар кўриб чиқилмайди.

Тақдим этилган асарлар муаллифларга қайтарилмайди.

Таниқли ижодкорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати танловга тақдим этилган асарларни ўқиб, баҳолаб боради. Ғолиб деб топилган асарлар Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги адабий нашрларда ҳамда “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида китоб ҳолида чоп этилади. Муаллифларга эса имтиёзли қалам ҳақи тўланади.

Танловга ижодий ишлар 2021 йилнинг 15 сентябрига қадар қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил:**
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони. Телефон: (71) 231-83-67.
**Электрон манзил:** badiiy_adabiyot@mail.ru

## Таваллуд кунлар


**Феруза Мелибоева** – 26 июнь – актёр, Ўзбекистон давлат драма театри актёри.


**Равшан Дадажонов** – 27 июнь (1985) – актёр, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри актёри.


**Наргиза Раимова** – 28 июнь – актёр, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актёри.


**Илҳом Жабборов** – 30 июнь (1945) – ҳайкалтарош, Ўзбекистон халқ рассоми.


**Саиджон Калонов** – 30 июнь (1914-1972) – найчи-созанда, бастакор, Ўзбекистон халқ артисти.


**Санжарбек Исломохунов** – 30 июнь – актёр, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актёри.

## Маънавият дафтари

Қабрда ётганлар пушаймон қилаётган ишлар устида тириклар бир-бири билан қирпичоқ бўлмоқдалар.



**Абу Ҳомид ал-ҒАЗЗОЛИЙ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси ва аъзолари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари, шоира Хуршида Ваҳобжон қизига онаси

**ҲАМРАХОН ҲОЖИ аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳамкоримиз: imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 2853. Буюртма Г - 644.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 22.00.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42 Санъат бўлими: 233- 56- 40 Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60*